

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Кулёзма хукукида
У/ДК 821.512.133(092) Фурқат

ЖАББОРОВ Нурбой Абдулхакимович

**ФУРҚАТНИНГ ХОРИЖДАГИ ҲАЁТИ ВА
ИЖОДИЙ МЕРОСИ: МАНБАЛАРИ, МАТНИЙ
ТАДҚИҚИ, ПОЭТИКАСИ**

10.01.11 - Адабий манбаъшунослик ва матншунослик
10.01.03 - Миллий адабиёт тарихи (Ўзбек адабиёти)

Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун
тақдим қилинган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2004

Тадқиқот Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедрасида бажарилган

Илмий маслахатчи:

филология фанлари доктори, профессор
М. ХАКИМОВ

Расмий оponentлар:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, академик **А.П. КАЮМОВ**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, академик **Б.Н. ВАЛИХУЖАЕВ**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор **А.Х. ХАЙИТМЕТОВ**

Ётақчи илмий муассаса: Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети

Химоя 2004 йил «12» февраль соат 10⁰⁰ да Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Ихтисослашган Д. 067.02.16 рақамли илмий кенгаш йнгилишида ўтказилади (700174, Тошкент, Талабалар шахарчаси).

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (700174, Тошкент, Талабалар шахарчаси).

Авторреферат 2004 йил «9» август да тарқатилди.

Ихтисослашган илмий кенгаш котиби,
филология фанлари номзоли  **У. ЖҮРАКУЛОВ**

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблги

Миллий адабий меросни илк манбалар асосида хар тарфлама чукур ўрганиш, ундан жамият маънавиятини юксалтириш йўлида фойдаланиш бугун адабиётшунослик учун хар қачонгидан ҳам долзарб вазифалардан бирига айланди.

Бугун, айниқса, XIX аср охири XX аср бошларидаги адабий жарённи, бу даврда яшаб фаолият кўрсатган, миллатни юксак маланият ва маърифатга тарғиб этган маърифатпарвар ижодкорлар меросини ўрганиш айрича аҳамиятга эга. Бинобарин, «...жамият тараккиётининг асоси, уни муқаррар ҳалоқатдан кутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир. Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати хар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негакки, чор Россияси асоратига тушиб қолди, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди»¹.

Шу жиҳатдан, ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг йirik намоянаси Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат ижодиётини, айниқса, шoirнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий меросини илк манбалар асосида талқик этиш муҳим аҳамиятга эга. Мавжул талқикотлар тахлили бу борада хал этилиши зарур бўлган муаммолар кўп эканлигини кўрсатади.

Фуркатнинг хориждаги ижоди шoir ҳаётлигидаёқ ўрганила бошлади. «Гаржимон» газетасида босилган «Қошғар» сарлавхали хабар-мақола² да Фуркатга шoir ва сайёх сифатида юкори баҳо берилади. Хабар-мақола жадид матбуотининг Фуркат ижодига муносабатини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Машхур «Шўро» журнали Фуркатнинг Худобёржон ҳақидаги асарини тўла ҳолда эълон қилгани ҳам жадидларнинг шoir ижодига қатта қизиқиш билан қараганлигини кўрсатади³.

Шу пайтгача Фуркатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижоди у ёки бу даражада талқик этилган бир қанча мақолалар тўпламлари⁴, рисодалар⁵, танқидий-биографик очерк⁶, услубий қўлланма⁷ ҳамда монографик

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1998, 431-бет.

² «Ман» - «Ман» 1997 йил 18-октябр, «Ман» 1997 йил 1-сентябр, «Ман» 1997 йил 1-сентябр.

³ Фуркат ва Мухомий ҳақида мақолалар. Т.: Ёшлиқ адабиёт, 1958, Зокиржон Фуркат. Мақолалар тўплами. Т.: Ёшлиқ адабиёт, 1959, Фуркат ижодиёти. Т.: Фан, 1990.

⁴ Х.Расул. Фуркат - маърифатпарвар, демократ шoir. Т.: Ёриланган наприет, 1954, Х.П.Вохидов. Фуркат - маърифатпарвар шoir. Т.: Ёшлиқ адабиёт, 1959, А. Каюмов, Шoir Фуркат (Эссе). //Шарҳ

қолдурди, 1986, 4-5, 1989, 5-6-сонлар.

⁵ Х.Расул. Зокиржон Фуркат ижоди. Т.: ЎзФА наприети, 1954; Х.Расул. Фуркат. Танқидий-биографик очерк. Т.: Ёшлиқ адабиёт, 1959.

⁶ Ж. Усмонов. Мактабда Фуркат ҳаёти ва ижодини ўрганиш. (Ўқувчилар учун қўлланма). Т.: Ўқитувчи, 1970.

асарлар¹ яратилди. Бизнингча, уларда эришилган илмий натижаларни куйдагича тасниф этиш мумкин:

1. Ҷа пайдаги сафар йўллари йўналиши асосида Фуркатнинг чет элларга қилган саёхати маршрути аниқ белгиланди².

2. Шоирнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид бир қанча янги манбалар илмий муомалага киритилди ва тадқиқ этилди³.

3. Фуркат чет элларда ёзган бир қанча асарларнинг илмий таҳлили амалга оширилди⁴.

4. Шоирнинг хорижга кетиш ва юртга қайта олмаслик сабаблари ҳақида турлича мулоҳазалар билдирилди⁵.

Кўриниб турибдики, адабиётшуносликда Фуркат ҳаёти ва ижодининг хориждаги даврини илмий ўрганиш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилган. Лекин, ушбу масала махсус ўрганилган эмас. Қолаверса, мазкур тадқиқотларда шўро замонида яратилган илмий ишлар учун умумий бўлган бир хусусият мавжуд: деярли ҳар бир шеър, ҳар бир асар талқинида коммунистик мафкура талаблари асосидаги ёндашув, шоирни ўзи яшаб турган тузумдан норози, жабрдийда қилиб кўрсатишга, уни сунъий равишда динга, диндорларга қарши қўйишга уриниш очик сезилиб туради. Шунинг ўзидек Фуркат асарларини бутунги талаблар асосида қайта баҳолаш заруратини кун тартибига қўяди.

Мазкур тадқиқотларда Фуркат ҳаёти ва ижодининг хориждаги даврига оид қуйидаги масалалар етарлича ўрганилмаган:

1. Фуркатнинг хорижга кетиш ва юртга қайта олмаслик сабаблари.
2. Шоирнинг чор Россияси мустамлака сиёсатига муносабати.

3. Фуркатнинг хорижда ёзилган айрим асарларининг илмий таҳлили (Масалан, «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий», «Рус-япон муҳорабаси хусусида» ва х.к.).

4. Шоирнинг ҳар бир хорижий мамлакатда қанча муллат бўлганлиги.

5. Фуркатнинг чет элларда ёзган асарлари матний тадқиқи. Қуйидаги масалалар эса мутлақо ўрганилган эмас:

1. Фуркатнинг Араб мамлакатларида яшаган даврида яратилган диний-маърифий асарлари («Ҳажнома» ва шу йўналишдаги шеърлари).

2. Хорижда ёзган асарлари нашрларининг асл манбалар билан муқоясаси.

3. Шоир ҳаёти ва ижодига чет эллик олимларнинг муносабати.

4. Фуркат асарларининг хориждаги нашрлари таҳлили.

Ушбу илмий иш мазкур муаммоларни ечишга қаратилгани билан ҳам долзарб ҳисобланади. Шоир ҳаёти ва ижодининг сўнгги ўн саккиз йили чет элларда кечганлиги, хорижда яратилган асарлар унинг меросида салмоқли ўрин тутиши эътиборга олинса, ушбу мавзунинг махсус ўрганиш нечоғлиқ зарур эканлиги маълум бўлади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари

Диссертациядан кўзланган асосий мақсад - Фуркатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси манбаларини таҳлил этиш, матний ва поэтик тадқиқини амалга оширишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги аниқ вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- Фуркат ҳаёти ва ижодий фаолиятининг хориждаги даврига оид шу пайтгача илмий муомалага кирмаган манбаларни аниқлаш. Уларни таҳлил этиш. Мазкур манбаларнинг илмий қийматини, шоир ижодини ўрганишдаги ўрнини белгилаш.

- Илк манбалар асосида Фуркатнинг хорижга кетиш ва юртга қайта олмаслик сабабларига оид янги далилларни аниқлаш. Ҳаёт асосида умумлашма ҳулосалар чиқариш;

- Фуркатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижодий фаолиятининг адабиётшуносликнинг сўнгги ютуқлари асосида илмий таҳлил этиш. Хорижда яратилган ва шу пайтгача етарли даражада ўрганилмаган асарлари матний тадқиқини амалга ошириш;

- Фуркатнинг Араб мамлакатларига сафари давомида ёзган диний-маърифий ва сўфиёна руҳдаги асарларини ўрганиш. Ушбу мавзудаги асарларнинг шоир адабий меросида тугган ўрнини белгилаш;

- Фуркат ҳаёти ва ижодий фаолиятининг Ёрқент даврига оид янги маълумотларни аниқлаш, илмий истифодага киритиш. Шоирнинг ушбу даврга ҳос серкира илмий-ижодий фаолиятини, шеърини, насерий ҳамда публицистик асарлари тадқиқини амалга ошириш;

¹ Х.Раулов. Зокиржон Фуркат ижоди. Т.: ҶаФА нашриёти, 1954, А.Абдуғафуров, Зокиржон Фуркат. Ҳаёти ва ижоди. Т.: Фан, 1977; Ш.Юсуфов. Фуркат йўлларида. Т.: Адабиёт ва санъат, 1984.

² Бу ҳақида қаранг: М.Шайхона. Фуркат ҳақида қайдилар. - Фуркат ва Муқддий ҳақида мақолалар. Т.: Бадий адабиёт, 1958, 26-бет; Х.Раулов. Фуркат. Танқидий-биографик очерк. Т.: Бадий адабиёт, 1959, 92-бет; С.Мирвалиев. Фуркатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижоди ҳақида. - Зокиржон Фуркат (Мақолалар тўплами). Т.: Ҷадаббийнашр, 1959, 50-67-бетлар.

³ Қаранг: Г.Қаримов. Фуркат ҳаёти ва ижодида оид янги материаллар //Шарқ юлдузи, 1970, 1-сон; Ш.Юсуфов. Фуркат дастхатлари нидан. //Ўзбекистон маданияти, 1979 йил 25 декабрь; Табаррук дастхатлар. //Фан ва турмуш, 1980, 12-сон, 20-21-бетлар; А.Абдуғафуров. Зокиржон Фуркат ҳақида янги маълумотлар. - Фуркат ижодиети. Т.: Фан, 1990, 34-51-бетлар; А.Хайитметов. Ўзбек демократик адабиётида Зокиржон Фуркатнинг роли. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, 5-сон.

⁴ Қаранг: А.Абдуғафуров. Зокиржон Фуркат. Т.: Фан, 1977, 57-89-бетлар; Ш.Юсуфов. Фуркат йўлларида. Т.: Адабиёт ва санъат, 1984, 177-218-бетлар; А.Қасимов. Баъзи аниқликлар. -Фуркат ижодиети, Т.: Фан, 1990, 7-15-бетлар; М.Зиевуддинова. Фуркатнинг «Мирсия таржуманчи асари». Ушбу китоб, 138-145-бетлар; И.Хаккулов. «Биз истиқлол эли». //Ёзувчи, 1999 йил 24 февраль №4(50).

⁵ Г.Ғулом. Унутилмас кишилар тўғрисида. //Қизил Ҷўзбекистон, 1948 йил 9 июнь, № 144 (7045); М.Юсуфов. Фуркат ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг баъзи масалалари. - Фуркат ва Муқддий ҳақида мақолалар. Т.: Ҷадаббийнашр, 1958, 82-83-бетлар; Хонда Раулов. Фуркат. Танқидий-биографик очерк. Т.: Бадий адабиёт, 1959, 91-93-бетлар; А.Абдуғафуров. Зокиржон Фуркат. Т.: Фан, 1977, 42-43-бетлар; Ш.Юсуфов. Фуркат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи. Ф.д. диссертация, Т.: 1990, 261-264-бетлар; Н.Қаримов. Ёрқент асари. //Табаккур, 2002, 1-сон, 58-64-бетлар.

- Шoirнинг хорижда яратилган лирик асарлари поэтикасини, образлар тизимини талки этиш.

- Чет эллик талкиотчиларнинг шoir меросига оид асарларини тахлил этиш, улар назарий қарашларнинг фуқаратшуносликдаги ўрнини белгилаш. Шoir асарларининг хориждаги нашрларини ўрганиш. Уларни мамлакатимиздаги нашрлар билан муқояса этиш.

- Ўрганилган манбалар, материаллар асосида илмий-назарий ҳулосалар бериш.

Талкиотнинг манбалари

Ишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳужжатлари, Фуқрат дастхаллари, Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети асосий кутубхонаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат халқ кутубхонаси, Ғ. Ғуллом номидаги Фарғона вилоят Адабиёт музейи фондларида сақланаётган кўлёзма ва тошбосма манбалардан, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи Фуқрат фондидаги ҳужжатлардан, Фуқрат асарларининг юртимиз ва хориждаги нашрларидан, шахсий архивлардаги материаллардан фойдаланилди.

Илмий ишнинг методологик асослари

Ишни ёзишда тарихий-киёсий усулдан фойдаланилди. Талкиотдаги назарий қарашларни далиллашда Шарқ адабиётшунос ва матншунослари, жаҳон адабиёти киёсий ўрганиш билимдонлари ҳамда ўзбек олимлари талкиотларида эришилган ютуқларга таянилди.

Мавзунини талкиқ этишда киёсий тахлил борасида мактаб яратган Жирмунский, Конрад, матншунослик борасида эътиборли талкиотларини амалга оширган Д.С. Лихачев, Х.С. Сулаймонов, П. Шамсиев каби олимлар ишларидан фойдаланилди. Шунингдек, мумтоз адабиётимиз тарихини ва Фуқрат ижодини ўрганишда салмоқли натижаларини қўлга киритган Ғ.Каримов, Х.Расул, А.Қаюмов, А.Абдуғафуров, А. Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, Ш.Юсупов, Б.Қосимов, И.Ҳақулов каби ўзбек олимлари, Аҳмад Заки Валидий Тўгон, Э.Олловорт, Я.Эккман, Ньёматулло Убайдуллохожи, Қодир Акбар, Аршиддин Тотлик каби хорижлик талкиотчилар илмий ишларида эришилган муваффақиятлар ҳисобга олинди.

Талкиотнинг илмий янгилиги

Қуйидагилар ишнинг илмий янгилигини белгилайди:

- Диссертацияда Фуқратнинг хорижга кетиш ва юртга қайта олмаслик сабаблари янги далиллар асосида ўрганилди. Шoirнинг Русия истибдодига бўлган муносабати манбалар асосида тахлил қилинди. Фуқрат асарларида илгари сурилган тояларнинг XX аср бошидаги

жадидчилик ҳаракати намояндалари фаолиятига таъсири масаласи талкиқ этилди.

- Ишда Фуқратнинг диний-матрифий ва тасавуфий мавзудаги асарларини яхлит, атрофлича тахлил этишга, шoir «Ҳажнома»си ва шу йўналишдаги бошқа асарларини бутунги кун талаблари асосида талкиқ қилишга ҳаракат қилинди. Шoir шеърларида оят ва хадислар талкиқни масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

- Фуқратнинг хориж сафари, хар бир мамлакатда бўлиш саналари, чет эллардаги кизгин ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар аниқланди, тахлилий ҳулосалар берилди.

- Фуқратнинг серкирра — шoir, носир, адабиётшунос, этнограф, журналист, хатот, ҳаким ва аниқ фанлар билан жиддий шуғулланган олим сифатидаги фаолияти тахлил этилди.

- Шoirнинг хорижда ёзган шеърларидаги образлар силсиласи, поэтик маҳорат масалалари талкиқи амалга оширилди.

- «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» асари XX аср бошлари ўзбек насрининг ноёб намунаси сифатида тахлил этилди. Асар матни биринчи марта эълон қилинди.

- Фуқрат асарларининг мавжуд нашрларидаги матнлари илк манбалар билан муқояса этилди. Уларнинг аксарияти ноҳонз кискартиришлар билан нашр қилинганлиги аниқланди. Мазкур асарлар («Рус-япон муҳорабаси хусусида», «Келди баҳор...», «Марсияи таржиъбанд» ва х.к.)нинг тўла матнлари тикланди. Ушбу матнларга таяниб, уларнинг шoir меросида тутган ўрни хусусида мулоҳаза юритилди.

- Диссертацияда Фуқрат ҳаёти ва ижодий фаолиятининг хорижда — АҚШ, Туркия, Мажористон ва Хитойда ўрганилиши хусусида маълумотлар аниқланди. Мазкур талкиотларга илмий муносабат билдирилди. Шoir асарларининг хориждаги нашрлари кўлёзма манбалар ва мамлакатимиздаги нашрлар билан муқояса этилиб, илмий тахлил қилинди.

Талкиотнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти

Диссертация натижаларидан адабиётшуносликнинг қуйидаги масалаларини ҳал этишда фойдаланиш мумкин:

- XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари ўзбек адабиёти тарихи, адабий манбашунослик ва матншуносликка доир илмий-талкиқот ишларида;

- олий ўқув юртлари ҳамда академлицейлар учун дарслик ва қўлланмалар яратишда, маърузалар матнлари тайёрлашда;

Фуркатни юртдан чиқиб кетишга мажбур этган омиллар манбалар асосида тахлил этилади.

Бу масала ҳар доим ҳам мутахассислар диққат марказида турган. Абирм талқиқотчилар фикрича, шоир юқори даражада амалдорларни танқид қилганлиги, улар ўртасида жиддий зиддиятлар келиб чиққанлиги учун қочиб кетишга мажбур бўлган¹. Лекин, бу фикрлар ўз исботини топмади. Мазкур амалдорлардан бири «...фон Кауфман Фуркат Тошкентга келишидан етти йил илгари, яъни 1882 йилнинг майида, Сайдазимбой Мухаммадбоев эса фон Кауфмандан ҳам илгари 1881 йил 2 октябрда вафот этиб кетган» ва табиийки, «Фуркат уларни ҳажв қилган, бу ҳам етмаганидек, шу ҳажвлари туфайли она-юртидан қочиб кетган, деб кўрсатиш тўғри эмас»².

50-йилларда яратилган асар талқиқотларда ҳам бу масала ўзининг илмий ечимини топмаганлиги, уни ҳал этиш адабиётшунослиқнинг муҳим вазифаларидан эканлиги талқиқланган³. Профессор А. Абдуғафуровнинг фикрича: «Фуркатнинг Ватанини тарқ этишини жузъий-шахсий сабаблар ёки ўнгайгина «саёҳат орзуи» билан изохлаш бирекламлик бўлиб, ҳақиқий аҳволнинг туб моҳиятини, жиддий идеологик асосларга қурилган заруратни реал кўрсата олмайдди»⁴.

Мазкур идеологик асослардан айримларини профессор Ш. Юсупов кўрсатиб беради. Унинг ёзишича: «...Биринчидан, Фуркат чор тузумига оппозицияда бўлган илгор зиёлилар даврасида эканлиги, иккинчидан, эҳтимол тутилган яқин ордадаги кўзғолонда унинг исёнкор кайфиятдаги бошқа дўстлари билан бирга қатнашиш эҳтимоли ва, ниҳоят, энг асосийси, Фуркат ўз улкан маърифатпарварлик фаолияти билан чор ҳукуматининг ўлкада юргизиб турган маҳаллий аҳолини нодонликда сақлаш сиёсатида бутунлай зид йўл тутганлиги ўлка бош ҳокими генерал-губернаторнинг ўзида шоирни узоқ муддатга Туркистондан жўнатиб юбориш нияти туғилишига сабаб бўлган, деб таҳмин қилиш мумкин»⁵.

Кейинги изланишлар натижасида шоирнинг Россия истибдоди моҳиятини фотиш этувчи, ўша пайтларда мутахассисларга маълум бўлмаган бир қанча асарлари аниқланди. Натижада масалани янада ойдинлаштириш

- Фуркат ҳаёти ва ижодида ҳамда ўзбек адабиётининг хоризда ўрганилишига онд талқиқотларда, олий ўқув юрғиларининг филология факультетлари учун махсус курсларда;

- диссертант томонидан аниқланган ва мазкур ишда илк бор фойдаланилган Фуркат асарларининг дастхатлари ҳамда бошқа манбалардан ўқув машғулотларида кўргазмалы курул сифатида.

Ишнинг илмий жамнат чилик эътиборидан ўтиши

Диссертация мавзуи Ўзбекистон ФА Х.С. Сулаймонов номидаги Кўлэмалар институти илмий кенгашида (1996 йил 19 июнь 5-сон иш баёни) тасдиқланган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини ўзбек филологияси факультетини Ўзбек мумтоз адабиёти, Миллий уй-онини даври ўзбек адабиёти, Хозирги ўзбек адабиёти ҳамда Жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраларининг 2003 йил 8 октябрдаги кўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, химояга тавсия этилган. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи ва Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетини илмий семинардан ўтиб, маъқулланган.

Ишнинг асосий мазмуни «Ўзбек тили ва адабиёти», «Жамият ва бошқарув», «Шарқ юлдузи», «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти», «Ёшлик», «ЎЗМУ хабарлари», «Имом ал-Бухорий сабоқлари» сингари журналлар ва илмий тўпламларда эълон этилган қирққа яқин мақолада ўз ифодасини топган.

Диссертация материаллари асосида сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Миллий университетини ўзбек филологияси факультетини ташаббаларига маърузалар ўқилмоқда.

Талқиқотнинг тузилиши

Диссертация кириш, етти фаслни ўз ичига олган уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан тарқиб топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш»да мавзунинг долзарблиги, талқиқотнинг илмий янглиги, мақсад ва вазифалари, манбалари, методологик асослари, назарий ва амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби «Фуркатнинг хоризга кетиш ва юрта қайта олмаслик сабаблари: янгича талқин» деб номланади. Бобнинг «Ватанжудоликнинг икки омили» номли биринчи фаслида

¹ Бу ҳақда қараг: //Кўзгал Ўзбекистон, 1948 йил 9 июль, №114 (7045); Холма Рауф. Фуркат. Талқиқот-биографик очерк. Т.: Ёшлар адабиёт, 1959, 91-бет

² Ш.Юсупов. Фуркат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи. Филология фаолари доктори илмий даражаси учун диссертация, Т., 1990, 263-бет

³ Қараг: М. Юсупов. Фуркат ҳаёти ва ижодиини ўрганишнинг баъзи масалалари. - Фуркат ва Муҳомий ҳақида мақолалар. Т.: Ёшлар адабиёт, 1958, 82-83-бетлар; М. Шайхзода. Фуркат ҳақида қайлар. - Фуркат ва Муҳомий ҳақида мақолалар. Т.: Ёшлар адабиёт, 1958, 29-30-бетлар; И. Мўминов. Зоҳиржон Фуркат ҳаёти ва фаолиятининг тарқий шароитлари. - Фуркат ва Муҳомий ҳақида мақолалар. Т.: Ёшлар адабиёт, 1958, 16-бет

⁴ А.Абдуғафуров. Зоҳиржон Фуркат. Т.: Фан, 1977, 42-43-бетлар

⁵ Ш. Юсупов. Фуркат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи. Ф.ф.д. диссертация, Т., 1990, 276-бет

имкони тугилди. Шунга кўра Фуркат ватанжудолиги сабабларини қуйидаги икки омил билан изоҳлаш мумкин:

1. Фуркатнинг Русия мустамлака сиёсатини очикдан-очик қоралаб асарлар ёзганлиги.
2. Шoirнинг Ватан ва миллат манфаатига асосланган маърифатпарварлик фаолияти мустамлака маъмуриятига маъқул келмаганлиги.

Миллатпарвар зиёлилар, жумладан Фуркат ҳам Русия истибдоди оқибатларига бефарқ қараган эмас. Шoirнинг «Муножоти мусаддас» асари бунинг ёрқин далили¹. Яратганга иттижо, муножот руҳида битилган ушбу мусаддасда шoir шундай ёзади:

*Зулматни гирдоби тезда, кунда қолдук,
Тўфони ҳайрат, эйки, гарқи эжунда қолдук,
Гафлат ила ўтуб умр, кулгу, ўйунда қолдук,
Қуффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжсизу зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.*

Фуркат рус мустамлака сиёсати моҳиятини «Зулмат гирдоби, кун, тўфони ҳайрат, гарқи жунун» каби тимсоллар, «Қуффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук» образли тасвири воситасида бутунлай фойда этган. Зеро, бу истибдод сиёсати миллат ҳаётининг барча жаҳалларини бирдай асоратга олганлиги, миллий истиқлолга, нури истиқболга элтадиган барча йўлларнинг батамом тўсилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Биргина далил. «...рус маъмурияти қонунларни ўзи истаганча ўзгартириб, маҳаллий аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, диний ва сиёсий эркинликларини нақ 50 йил давомида поймол этиб келди»². Мусаддасда «Қозию муфти, аълам доим ҳазину маънос, Дин посини тугтай деб зиндон и ганда маъбус» дея таъкивланган шoir бунинг сабабини «Бечоралар иа қилсун бўлса сиёсати Рус!» дея очик-ошкор ифодалайди.

Мусаддаснинг бошқа бир бандида шoir истибдод исканжасидаги юрт иқтисодиёти инкирозга юз тутганлиги, аҳли бозор нақбага қолиб, тижорат қасолга учраганлигини чуқур изтироб билан тасвирлайди. Ундаги «Уч йил бўлурки қолиш нақбага аҳли бозор» мисраси асарнинг Қўкон хонлиги рус қўшинлари томонидан босиб олинганга уч йил бўлган пайтда, яъни 1879 йили ёзилганлигини кўрсатади.

Босқинчилик сиёсатига бўлган бундай муносабат Фуркатнинг бошқа асарларида ҳам акс этган. Жумладан, «Бўлди» радибли мухаммасида шoir шундай ёзади:

*Юмуб кўзни, қадамни маролар сори адам кўйди,
Вафосиз даҳр аларни эсонига токи алам кўйди,
Ажал фарзанди одамни эсаҳон мулкида кам кўйди,
Мингу уч юз биринчига сана тоқим қадам кўйди,
Ҳамани эмои кўз тутғони бир соҳибқирон бўлди.*

Адам - йўқлик, демакдир. Бу мисра орқали мардларнинг, яъни миллат зиёлиларнинг қатагон гирдобига ташланганга ишора қилинмоқда. Натижанда: «Ажал фарзанди одамни жаҳон мулкида кам кўйди». Яъни, бу ҳол оммавий тус олди. «Тажриба шуни кўрсатадики, - деб ёзади Туркистон генерал-губернатори Россия харбий вазирага йўллаган мактубида, - бу ўлкада ошқоро қатл ижросигина маҳаллий аҳолига яхши таъсир кўрсата олади. Сиздан, Россия ҳудудида ўлим ҳукмини ошқоро ижро этмаслик ҳақидаги қонунни Туркистон ўлкасига татбиқ этмаслик учун зоти Олийлари ижозатини олиб берсангиз, деб илтимос қиламан»³.

Кейинги мисрада шoir таърих санъатининг сариҳ усулини қўллаш орқали бу фожиалар рўй берган санани ҳам очик ёзади: «Мингу уч юз биринчи...». Ҳижрий 1301 йил милудий 1883-1884 йилларга тўғри келади. Демак, рус босқинининг айна авж палласи ҳақида гап кетяпти. Бу, ўз навбатида, мухаммас ёзилган санани ҳам билдиради.

Бешинчи мисрада янада аҳамиятли фикр ифода этилган: «Ҳамани эмди кўз тутғони бир соҳибқирон бўлди». Дарҳақиқат, миллат бу пайтда Соҳибқиронга, йўлбошчига муҳтож эди. Юртни мўғуллар зулмидан озод қилган Соҳибқирон - миллий озодлик тимсоли. Шунинг учун ҳам шoir миллатга унингдек бир раҳнамони орзу қилади.

Кўриниб турибдики, Фуркат шеъриятида озодликка, миллий истиқлолга интилиш туйғуси чуқур лард, бетақрор бадийят билан ифодаланган. Бу туйғу баъзан очикча, айрим ҳолларда эса мисралар тағминда акс этганлиги кузатилади.

Кейинги излашишлар натижасида аниқлаганимиз - шoirнинг шу пайтгача маълум бўлмаган «Бегим» радибли дастхат шеъри бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Ҳазал матни бир варақ фабрика қоғозига бинафшаранг сиёҳда шикаста аралаш наставка хатида кўчирилган. Варақнинг ўнг томонида матни ўқшига ҳалал бермайдиган доғ бор. Шеър 1889-1891 йилларда Фуркат Тошкентда яшаган даврда ёзилган.

*Шуъбада ихҳор этиб ногоҳ чархи ҳийласоз,
Бошилади афсун ила макру дағосидин, бегим.*

¹ Ҳуҷабаев М.Д. Фонд №1, 1-руйҳат, 1-нш, 99-бет

¹ Қарағ: Қўкон Алабийет музей, қўлёзма № 7050, 244^б-245^б. беллар (108 мисрадан иборат маккур асар матни А.Мадминов томонидан тақрирланиб, Р. Тождобоев сўзбошиси билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1997 йил 20 июль сониде эълон қилинган).

² Ҳуҷабаев М.Д. Фонд №1, 1-руйҳат, 1-нш, 99-бет

*Гунчи давлатни гул янглиг парижон айлади,
Тунбоди ҳоисоти можаросидин, бегим.
Охируламр ҳукумат гулшани бўлди хазон,
Келди зоғу қолди бўлбуллар навосидин, бегим.¹*

Ушбу 17 байтдан иборат шеър махсус Худойёрхон ўғли Фансуруллобекка бағишланган бўлса-да, умуммиллий аҳамиятга эга. Бинобарин, «гунчаи давлатнинг гул янглиг парижон бўлиши, ҳукумат гулшанининг хазонга айланиши, бўлбуллар ўрнини зоғлар эгаллаши» фақатгина Фансуруллобек бошига тушган мусибат эмас эди. Бу - миллатнинг дарди, миллатнинг мусибати эди.

*Жонсипору қардонлигдин бегежз бир тухфа йўқ,
Ҳазратинга Фурқатий ҳолис дуосидин, бегим;
Соғи Тангри насиб этгай санинг бошинга ҳам,
Зойил ўлмас бобоқо давлат ҳумосидин, бегим.*

Ҳазилда шoir тахаллуслидан кейин келган байт, Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозийнинг фикрича: «...икки навъ бўлур. Бириси улким, тахаллус байти маънода нотаом қолур. Бир байт бирла они тамоми килурлар, они мутаммимул-анкос ўқурлар. Ва бир навъи улким, бовужудким, тахаллуси тамомлур, бир байт масал тариқи бирла келтуруларким, андин тахаллус байтига рабт ҳосил бўлур, они робита дерлар»². Фурқат ғазалидаги байт «мутаммимул-анкос»га тўғри келади.

Табийки, мустамлака маъмурияти Фурқатнинг мазкур йўналишдаги асарларидан, бехабар бўлган эмас. Бинобарин, наинки ўз мустамлакаси бўлган бир мамлакат ёхуд миллат, балки унинг ҳар бир зиёли вакили устидан айқоччилик назоратини ўрнатиш, уларнинг хатти-харакатларини мунтазам кузатиш, маълумотлар тўпаш, тухматлар уюштириш, катагон этиш — истибдод сиёсатининг энг sinalган услуби. Шундай бўлгач, чор ҳукумати маъмуриятида Фурқат хақида шундай маълумотлар мажмуи бўлганлигига шубҳа килмаса ҳам бўлади.

Мазкур асарлар ёзилган саналар («Муножоти мусалдас» 1879 йили, «Бўлди» радибли мухаммас 1885 йили, «Бегим» радибли ғазал 1990 йили ёзилган) ҳам кўрсатиб турибдики, шoirнинг мустамлака сиёсатига бўлган муносабати йиллар ўтиши билан ҳам ўзгармаган. Фақат истибдодни қоралаш руҳи дастлабки асарларда очикрок акс этган бўлса, кейингиларида кўпроқ образ ва тинсоллар замирида ифодаланган.

Бу эса мазкур ҳукумат шoirдан қутулиш учун уни мамлакат худудидан чиқариб юборишнинг барча чораларини кўрган, бир сўз билан

айтганда, Фурқатнинг хорижга кетиши ва она-юртга қайтмаслиги, масаласи генерал-губернаторлик томонидан режали асосда махсус уюштирилган, деб ҳисоблаш учун етарли асос беради.

Зокиржон Фурқат ватанжудолигининг иккинчи сабаби, таъкилланганидек, шoirнинг Ватан ва миллат манфаатига асосланган маърифатпарварлик фаолияти мустамлака маъмуриятига маъкул келмаганлиги билан изоҳланади. Зеро, ўша даврда чор ҳукуматининг биринчи хавфи миллатпарвар зиёлилардан эди.

Фурқат ана шундай мураккаб ва зиддиятли даврда яшаб ижод қилди. Ўз асарлари орқали илму маърифатнинг бекиёс аҳамиятини таъкиллади, унга миллатни муқаррар таназулдан қутқарувчи ягона восита деб қаради.

Шoir истибдоднинг фожией оқибатларини фош этиш баробарида миллат фарзандларини ўша пайтда нисбатан илгор бўлган рус маданиятини ўрганишга, ундан ўз манфаатимиз йўлида фойдаланишга чакирди. «Ўз нафъимиз учун русия халқи умурига мулоҳаза қилсоқ лозимлур»¹ - деган фикри бунинг далили. Фурқатнинг рус маданияти тарғибига бағишланган асарларини баҳолаганда унинг мазкур сўзларини ҳар доим назарда тутиш зарур. Бинобарин, бу сўзлар шoirнинг рус ва Европа маданиятига бўлган муносабатини белгилашда ўлчов-мезон вазифини ўтай олади.

Фурқатнинг ушбу мавзудаги манумалари шўролар замонида ҳукмрон мафура манфаатларига мослаштирилиб тарғиб этилди. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йилларида улар акс таъсир берди: хатто айрим «мутахассислар» шунга «таяниб», Фурқатни чор Россиясининг малдохи сифатида айблагша уриндилар. Хўш, аслида мохият қандай эди?

Сир эмас, буюк ўтмишга эга бўлган миллатимиз XIX асрга келиб таназул жараёнини бошдан кечирди. Фурқат Тошкентда яшар экан, рус мактаб-маориф тизимини кўриб ҳайратланди. Ўзимизники билан таққослаб, тараккиётдан нечоғлик орқанда қолганлигимизни англади. Тараккий этган миллатлар даражасига етиш учун таълим тизимини ўзгартириш, замон талаблари даражасига кўтариш зарурлигини тушуниб етди. Телефон, телеграф, газета, виставка, электр энергияси каби ўша пайт учун янгилик ҳисобланган ҳодисаларнинг миллат ҳаётига кириб келишини хоҳлади. «Жаҳон баста қушоли» — жаҳондаги барча мушкулотларни ечиш йўли илм-маърифатга деб билди. Шунга кўра, айрим тадқиқотларда айтилганидек, чор Россиясининг мустамлака сиёсатини эмас, рус халқининг ўша пайтда юксалишга юз тутган маданиятини тарғиб этди. У Россиянинг илм-фан, саноат соҳаларида эришган ютуқларига ҳавасланди. Шундай маданий даража, шундай юксалиш бизда ҳам бўлишини орзу қилди.

«تركستان ولايتىنىڭ كىتىقى» 191۰ يىلى ۲۰-يۈن ۲۵-سان

¹ Дахлат шеърининг асл нухаси шoir Абдулҳак Махсум Ронк шаҳрий архивда, ксероносуаси диссертагилда сақланади. (Шеърдан олинган кейинги кўчирмавар ҳам шу манбадан келтирилди).

² Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балога (Нашрга тийёрловин ва сўзбоши муаллифи А. Хавитматов). Т. Ҳазина, 1996, 39-бет.

Туркистон халқларини жаҳолатда асрашга қаратилган муштамлака сиёсати шароитида илм-маърифатни тарғиб этиш, «русия халқи умуринга ўз нафъимиз учун мулоҳаза қилиш», ҳуқмрон доираларга маъқул келмаслиги тайин эди. Бу эса муштамлака маъмурияти ва шоир ўртасидаги муносабатларнинг зимдан ёмонлашувига замин ҳозирлаётган эди.

Маълумки, Фуркат «Суворов ҳақида» манзумасини 1890 йил 5 октябрда Тошкентдаги рус театрида кўрган томошаси - рус драматурги Н.Куликовнинг «Суворов кишлоқда, Миланда ва яхши аёллар орасида» номли драматик асари таъсирида ёзган. Адабиётшунос Ш. Ризаев мазкур асар таҳлили орқали Фуркатни биринчи театр танқилчиси — санъатшунос сифатида талқин қилади.

Театр Фуркатда миллат ёшларини тарбиялашнинг янги бир воситаси сифатида чуқур таассурот қолдиради. Қолаверса, мамлакат бошига фалокат тушганида шохнинг кибру ҳавога берилмай, Суворовга ўз аъёотантини юбориши ва шохга ҳақ гашни айтгани учун лавозимидан ҳайдалган лашкарбошининг ҳеч қандай кек сакламай етиб келиши, умумий душманга қарши курашиб, ғолиб бўлишини тасвирлар экан, бизнингча, Фуркат худди шундай ахиллик, бирдамлик, умум манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўйиш бизнинг ўша даврдаги ҳукмдорларимизда бўлмаганидан афсусланади.

Бурунқидан нақим маркум этарлар,

Замона аҳлиса маълум этарлар.

деган сўзлари ҳам шоирнинг асосий мақсади - замона аҳлининг ибратланмоғи эканлигини тасдиқлайди.

«Тошқанд шаҳридаги виставка хусусида» («Тамошойи учинчининг баёни») асарида ҳам миллатпарварлик руҳи акс этган. Маснавийнинг бениҳоя аҳамиятли 20 мисраси жорий имлодаги барча нашрлардан тушириб қолдирилган ва шу пайтгача фурқатшунослар бунга эътибор қаратган эмаслар¹. Фуркат томоша қилган бу виставка ҳам Ғарб тараққиётининг ўзига хос намоиши ва бу маданий даражанинг асос-замини илм-маърифат эди. Шоир ўзи мансуб бўлган миллатнинг-да шундай даражага эришмоғини истайди.

Демак, Фуркатнинг ҳагто зоҳиран рус маданияти тарғиби бағишланган асарларида ҳам миллат дарди, унинг изтироблари, орзу-армонлари ифода этилганки, бу муштамлака маъмуриятига маъқул бўлмаганлиги аниқ.

Хулоса қилиб айтганда, 1891 йил 14 майда Фуркат гўё кўнглига «саёҳат орзуси тушиб», амалда эса бадаларга қилиниб, жондан севган она-юртинини тарқ этишга мажбур бўлди.

Мазкур бобнинг кейинги фасли «Юртга қайта олмаслик сабаблари» деб номланган. Бу масала ҳам адабиётшунослар ўртасида кўллаб мунозараларга сабаб бўлган². Диссертацияда Фуркатнинг хорижда қолиб кетиши куйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Шоирнинг чет элларда яратилган асарлари моҳият эътибори билан чор ҳукуматининг муштамлака сиёсатига зид бўлганлиги.

2. Фуркатнинг шахс сифатидаги фазилатлари.

Ўз асарлари орқали истибодни очикдан-очик қоралаш имконияти Фуркатда ҳар доим ҳам бўлаверган эмас. Айниқса, хорижда эканлигида. Шунинг учун шоир энди бошқача йўл тутайди. Айниқса, чор цензураси назорати остида чиққан «Туркистон вилоятининг газети» учун мўлжалланган асарларида айтмоқчи бўлган асосий фикрларини билвосита, асарлари тағмазумни орқали ифода этади. Бинобарин, бундай усул асарлари цензура назоратидан ўтган деярли барча ижодкорларга хос бўлганлиги маълум.

Фуркатнинг чет элларда ёзган аксарият асарлари худди шу усулда ёзилган. Уларни тадқиқ этишда рус олими А. Герценнинг қуйидаги сўзлари методологик аҳамиятга эга: «...ўз сўзини билингирмаслик услубини ва санъатини ривожлантиришга цензура жуда катта ёрдам беради. Цензура тўсигидан асабийлашган ижодкор уни енгилани хоҳлайди ва бунда деярли ҳаминча муваффақият қозонади. Кинояли сўз ҳаяжон, кураш изларини саклаб қолади; унда оддий баёнга нисбатан эҳтирос кўпроқ бўлади. Очигини айтмаслик ўз пардаси остида қучлироқ, тушунишни истаган киши учун ҳаминча равшан бўлади... Пинҳона фикр сўзнинг қулратини оширади, яланғоч фикр эса идрокни живовлайди. Ўзувчи қанчалик эҳтиёт бўлишини биладиган ўқувчи уни диққат билан ўқийди; ўқувчи билан муаллиф ўртасида яширин алоқа пайдо бўлади. Бири ёзганини яширади, иккинчиси эса уни тушунади. Цензура шундай бир тўрқи, майда чивинларни ушлаб қолади, катталарини эса ўтказиб юборали»³.

Фуркатнинг халққаро мавзудаги сиёсий публицистикаси бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Шоирнинг хорижий матбуот материаллари асосида ёзган аффон халқининг инглиз муштамлакачиларига қарши олиб борган

۲۰. ایون -۱۵ سان « ترکستان ولایتینیک کریختی »

¹ М. Юрсов, Фуркат ҳасти ва иқдомига ўрганишнинг баъзи масалалари, - Фуркат ва Муқимий ҳақида мақолалар, Т.: Ўзбекистон адабиёт ва санъат маркази, 1958, 83-бет; А. Абдуғафуров, Зомирон Фуркат, Т.: Фан, 1977, 91-бет; Ш.Юсупов, Фуркат ва Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи, Ф.ф.д....диссертация, Т., 1990, 270-284-бетлар

² Герцен А.И. Собрание сочинений в восьми томах, Т.3, М.: Правда, 1975, С. 334-335.

аёвсиз кураши хусусидаги мақоласи бунга далил. Мақолада ёзилишича: «Маланкан деган мавзёда ўн минг чоғлик афгон халқи бирлан англис лашкари орасида муҳораба бўлуб, афгон халқи шикаст топан вақтда афгон хотунлари эрлари кўлидин уруш асбобларини олиб, яқбора ўзларини англис лашкарига уруб, бир ярим соатда англисларга шикаст берибдурлар».

Иқтибосдаги «афгон халқи» ва «англис лашкари» иборалари Фуркатнинг мазкур урушга муносабатини яққол кўрсатиб турибди. Яна эътибор бериш зарур бўлган жиҳати шулдики, ўз эркини, озодлигини химоя қилган оддий халқ («афгон хотунлари ва эрлари») билан бўлган бу урушда англиз мустамлакачилари лашкари афгон хотинларидан шикаст ёйди. Бу орқали Фуркат озодликнинг нечоғлик муқаддас неъматлиги, уни химоя қилиш, жинсидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигига ургу беради. Инглиз мустамлакачиларнинг шармандалли қилмишларини фош этиш орқали у аслида ўзгаларнинг ерига, мулкига, озодлигига тажовуз қилган Русия мустабид сиёсатига муносабат билдирган, деб ҳисоблаш мумкин.

Фуркатнинг бу ва халқаро мавзудаги бошқа мақолалари ўзбек халқаро журналистикасининг дастлабки ва стук намуналари сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Фуркат ўзининг мустамлака сиёсатини қораловчи фикрларини фақат публицистик асарлари эмас, манзумалари тағмазmunига ҳам маҳорат билан сингдириб юборган. Маълумки, шoirнинг «Рус аскарлари таърифиди», «Масарратнома», «Қасида» дея номланиб келган асарлари мутахассислар ўртасида айрим мунозараларга сабаб бўлган. Айрим тадқиқотларда бу асарлар чор Россиясининг колониал сиёсатини нотўғри тушуниш натижаси, деб баҳоланса², баъзиларида чор мустамлакасига қарши фикрлар мазкур асарлар тағмагига сингдириб юборилганлиги таъкидланади³.

Фуркат «Танланган асарларини кўлэма манбалар билан муқояса қилиш натижалари шoirга жуда кўп таъналар қилинишига сабаб бўлган «Рус аскарлари таърифиди» деб номланиб келган асарнинг 30 мисраси тушириб қолдирилганлигини кўрсатади. Нашрда асарга «Қисқартириб олинди» дея изох берилганлиги ҳам бунинг далили⁴. Қисқартирилган 7-8-байтлар мазмунига кўра Фуркат рус аскарларининг «Манжурия сори

бориб, ёлун халқини ўлдиршига тушганлиги, ажал бозорини қизитганлигини таъкидлар экан, уларнинг ўзга бир юртга босқинчилик ниёти билан борганлигига ишора қилади.

Маълумки, мазкур асар ёзилган 1905 йилда рус-япон уруши рус армиясининг шармандалли мағлубияти билан яқунланган эди. Шоир асарда «*Бировага Ҳақ берур фатху зафарини, Бировага солғуси хавфу хатарини*» деб ёзар экан, айни шу мағлубиятнинг назарда тутати. «*Олга лозим эмас асло таарруз, Қилур нодон киши бежо таарруз*» дер экан, шоир бу енгилиш тақдир тақозоси эканлиги, бунга рози бўлишдан ўзга чора йўқлигига ишора қилади. Тақдирга нодонларгина қаршилик кўрсатишга интилишини таъкидлаган шоир бундай «шижоат», яъни нодонлик жаҳонда бизнинг оқподшоҳдан ўзга ҳеч қимнинг қўлидан келмайди, дея истехзо қилади.

Асардаги Фуркат шеърияти ихлосмандлиги шу пайтгача ўқиш шарафига муъссар бўлмаган кўйидаги байтларда мазкур урушнинг мохияти аниқ ва равшан ифодаланган:

Билурсизму ётуи қайдин келибдур,

Бориб қайси тараф, на иш қилибдур?

Туруб ул ўз макониди урушти,

Ўрус бирлан энгида қурушти (42-43-байтлар).

Маълум бўладики, бу асар мустабид чор Россияси аскарлари мактовига эмас, аксинча, уларнинг босқинчилик ҳаракатларини, рус-япон урушидаги шармандалли қисматини фош этишга қаратилган. Шундай бўлгач, мазкур асарнинг шўролар замонидаги талқини ўша пайтдаги ҳукмрон мафкура талаби, замон тақозоси сифатида баҳоланмоғи лозим.

Яна бир мулоҳаза: бизнингча, асарнинг номланиши ҳам нотўғри бўлган. Аввало, ушбу ном шoirнинг ўзи тарафидан қўйилган эмас. «Туркистон вилоятининг газети»да «Стихи из Яркента» сарлавҳаси билан эълон қилинган манзумага шoirнинг ўзи ҳеч қандай сарлавҳа қўймаган. Иккинчидан, «Рус аскарлари таърифиди» деган ном асарнинг асл мохиятига мутлақо мувофиқ келмайди. Шу боис асарни «Рус-япон муҳорабаси хусусида» деб номлаш тўғри бўларди. Чунки, асарда муаллифнинг мазкур урушга ҳолис ва ҳаққоний муносабати ифода этилган.

Қолаверса, мақтубларидан бирида шоир «...мундин муқаддам Ёлуний муҳорабаси хусусида бир шеър хизматингизга пошта илан юборуб эдим, иншаоллоҳ, мавсул бўлгондур?» деб ёзган ва рус аскарлари таърифиди эмас, Ёлуний муҳорабаси хусусида шеър ёзганлигини

¹ *Туркистон ۋالايىتىنىڭ كىتابى* «1۸۹۷-يىلى ۲۸-ئاينى ۳۶-سان»

² А. Абдуғафуров. Зокиржон Фуркат. Т.: Фан, 1977, 142-бет

³ Қараган: Ш. Юсулов. Фуркат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи. Ф. д. диссертация, Т., 1990, 333-335-бетлар

⁴ Фуркат. Танланган асарлар. Искон томлиқ. Т. II. (Нашрга тайёрловчи: Холма Расул). Т.: Ёшларий адабиёт, 1959 (Холма Расул кейинчалик Фуркатнинг араб илмоларида икки жилдик «Асарлар мажмуасида» масъулийнинг тула матнини келтирган).

¹ Қараган: *تورکستان ۋالايىتىنىڭ كىتابى* «۱۸۹۷-يىلى ۲۸-اگوست»

² Узбекистон Республикаси МДА, фонди № 1009, 1-руйжағ, 115-нш (2-жузгағ), 111-бет

таъкидлаган эди. Шoir ушбу сўзлари орқали ҳам мазкур асарни ёзишдан кўзлаган асл мақсадига ишора қилган.

Асарда оқподшоҳ, рус аскарлари шавънига мактов мазмунидаги мисралар ҳам мавжуд-ку, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, асар шундай мисралардан ҳам холи эмас ва бизнингча, бу шoir томонидан махсус танланган воята сифатида баҳоланмоғи керак. Умуман, мазкур асар Шарк шеърятининг ўзига хос ифода усулини, маъно серкатламиллигини мужассам этган юксак намунасидир.

Диссертацияда шoirнинг «Қасида», «Масарратнома» каби асарларининг ҳам янгича талқини амалга оширилди.

Фуркатдаги шахсий фазилятлар — она-юртта бўлган чексиз мухаббат, мустахкам иймон-эътиқод ҳам мустамалага маъмурилари томонидан шoirнинг она-Ватанга кайтмаслиги учун барча чоралар кўрилишига сабаб бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Тарих гувоҳ: ватанпарвар, ўз дунёқарашида собит бўлган шахслар мустамалакчилар учун энг қатъа ҳаф ҳисобланган. Бинобарин, истибодд снъсати ҳар доим қуллук қилиб турадиган, Фуркат таъбири билан айтганда «На ҳукм қилса дарҳол буфруғини оладиган»¹, кифасиз кимсаларни кўпайтириш тарафдори бўлган. Шу маънода, Фуркатдаги шахсий фазилятлар ҳам унинг юртва қайтиш йўлларининг ётиб кўйилишига сабаб бўлган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги Н.Остроумов фондида сақланаётган хужжатлардан биринчи Степанов деган кимсанинг Ёркенгга махсус топширик билан бориб, шoir ҳақида қуйидагича маълумотнома юборганлиги қайд этилган: «Мухтарам Николай Петрович, - деб ёзди Степанов, - мен сизга ушбу хат билан Ёркенгга кўришганим Зокиржоннинг шеърларини ҳам юборяпман. Очигини айтганда, мутлақо шубҳа билан қарайман. Тан олиш керакки, у жулда аклли, истеъдодли ва бениҳоя ёқимли инсон. У таобат билан шуғулланади, ерда ишлагани ёқтиради. **Менинг ўйлашимча, у Россияни мутлақо севмайди.** Динга ниҳоятда берилган. Мен унга шеър ёзишдан ташқари, бизнинг сартларимизни қизиқтириши мумкин бўлган маҳаллий мавзулар: бу ернинг аҳолиси, урф-олағлари, саноати ҳақида ёзишни тавсия қилдим»².

Кўриниб турибдики, Фуркат чор ҳукумагининг доимий назоратида бўлган. Унга хатто нималар ҳақида ёзиш ҳам тавсия этиб турилган. Степанов Туркистондаги рус маъмуриятига шoirдаги ўзи ёқтирмаган яна уч хусусият тўғрисида ёзди: 1) Унинг Россияга нисбатан самимийлигига

шубҳа билан қараши; 2) Фуркатнинг шеърлари унга маъкул келмаганлиги; 3) Шoirнинг мустахкам эътиқодли диндор эканлиги.

Хулоса қилиш мумкинки, мунгзам равишда Фуркат ҳақида маълумотлар тўплаб борган чор ҳукумати шoirнинг она-юртва қелишини мақсадга мувофиқ эмас деб тошган ва унинг Ватанга қайтиш йўлларини бутунлай ётиб қўйган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Фуркатнинг чет эллардаги ижтимоий, адабий ва илмий фаолияти: манбалар таҳлили» деб номланган. Бобнинг «Туркия ва Юнонистон сафари: соғинч мотивлари» мавзусидаги биринчи фаслида шoirнинг мазкур мамлакатлардаги ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилади.

Фуркатшуносликда шoirнинг Туркия ва Юнонистон сафари ҳақида анча эътиборли, баъзан эса бахтсиз мулоҳазалар баён қилинган³. Истанбулдан ёзган мактубида Фуркат қуйидагиларни қайд этади: «...камна ўшал вактеки, Ташқанд шаҳридин чиктум, Самарқанд ва Бухорога келиб, андин тўғри Марв ва Ашқобод, Боку ва Ботум тарафи билан Истанбулга келдум. Бу хуеусда дафъан аввал сизга бир хат ёзиб юбордум. Андин сўнгра яна бир хат ёзиб юбордум»⁴.

Демак, аввалроқ икки марта хат ёзиб юборганлигини таъкидлашга кўра, мазкур хат Фуркатнинг Истанбулдан ёзган учинчи мактуби. Ушбу хат сўнгида шoir «Ёзилди бу мактуб 18-раббйўссоний ойида»⁵ дейишига қараганда Н. Остроумовга 1 декабрда етиб келган бу мактуб 1891 йил 21 ноябрда ёзилган. Шoirнинг унғача ҳам иккита хат ёзганлиги ҳисобга олinsa, Фуркат Истанбулга келган санани 1891 йил сентябрь ойининг охири деб белгилаш мумкин.

Фуркат Жилда-Макка йўлидан ёзган мактубида ўзининг Истанбулдан қачон чикиб кетганлигини ҳам аниқ ёзди: «...Ул кунларда Истанбулдин чикиб, Юнон шаҳрига бордум. Андин Искандарияга... Андин Миср вилоятига бориб, анда ҳам неча кун тамошо қилиб, андин чикиб йигирма бешинчи мохи ражабда Жилдан муборака дохил бўлуб, уч-тўрт кун туруб, Макка муқаррамага чикиб кетдим»⁶.

¹ Бу ҳақида қараг: Х.Рауф, Фуркат: Тавқийий-биографик очерк. Т.: Ўзбекистон Давлат Бадвий адабиёт нашриети, 1959, 92-бет; М. Шайхсоди, Фуркат ҳақида қайлар, - Фуркат ва Мухомий ҳақида мақолалар. Т.: Ўзбекистон Давлат Бадвий адабиёт нашриети, 1958, 26-бет; Г. Каримов, Фуркат ҳаёти ва ижодида онд янги материаллар. #Шарк юлдузи, 1960, 1-сон, 149-бет; Шу муаллиф, Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. Т.: Ўқитувчи, 1987, 139-бет; А. Абдуғафуров, Зокиржон Фуркат. Т.: Фан, 1977, 47-бет; Ш. Юсупов, Фуркат йўллариди. Т.: Адабиёт ва санъат, 1984, 190-211-бетлар; Фуркат ва Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи. Филология фанлари доктори номий даражадан учун ёзилган диссертация. Т.: 1990, 256-258, 342-343-бетлар; Б. Қосимов, Н. Жумақўла, Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. Т.: Ўқитувчи, 1999, 446-бет.

² Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-руйҳат, 115-иш, 143-бет

³ Ўшбу мабда

⁴ Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-руйҳат, 151-иш, 48-бет

Синхрон жадвалга мувофиқ ўша йилги мохи ражабнинг 25-куни 1892 йил 24 февралга тўғри келади. Демак, Фуркатнинг Туркия-Юнонистон сафари тахминан олти ойга яқин давом этган, деб ҳудоса қилиш мумкин.

Фуркатнинг Истанбулдан сана қўймасдан ёзган яна бошқа бир мактубида унинг саёҳат давомида ўзи туювх бўлган воқеаларни ёзиб бормоқ ниятида эканлиги маълум қилинади: «...Иншоолуху таоло ажойиб сўзларни ва бўлгон воқеаларни ёзиб юборсам керак»¹.

Фуркат Истанбулда тинимсиз ижодий фаолият билан шуғулланди. Унинг «Сабога хитоб» дея номланиб келган шеърӣ мактуби шу шаҳарда ёзилган. «Сабога хитоб»нинг А.Н. Самойлович Санкт-Петербургда олиб кетган дастхат нусхасидан олинган фотонусха Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Асарнинг мукамал матни мазкур дастхат ва ундан Каримбек Камий кўчирган ишончли нусха² дан ташқари, яна бир манбада учрайди³. Замондош хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилгани, тошбосма манбаларда такрор ва такрор нашр этилгани мазкур шеърӣ мактубнинг нечоғлиқ машхур бўлганлиги далилидир.

«Сабога хитоб» она-юртдан йироқдаги шoirнинг ёр-дўстларига йўллаган соғинчли саломичо ватанжудолук изтироблари ифодаси билангина эмас, инжа руҳий кечинмалар бетакрор бадий инкишоф этилгани билан ҳам мумтоз шеърӣтимизнинг юксак намунасилидир.

Асар ҳусн ал-матлаъ санъатининг бетакрор намунаси бўлган куйидаги байт билан бошланади:

Бу гулшанки, насими файзи раббур,

Гули хилму ҳаё бирла адабдур.

Байт ҳусн ал-матлаъга шеърӣят назарийчилари қўйган талабларга тўла мувофиқ келади⁴. Шунингдек, байтда хилм, ҳаё ва адаб отли гуллари бор гулшаннинг шабадалари илоҳий файз бериши ҳақидаги теран мазмун гузал бадий шаклда ифодаланган. Байт яхлит холда ҳусн ал-матлаъ санъатиға мисол бўлса, ундаги хилм-ҳаё-адаб ҳамда гулшан-насим-гул учликлари таносиб санъати намунасилидир. Биратўла бир неча санъат қўлланганлиги байтда бадийят мукамаллигини таъминлаган.

Асардаги

Тоғиб сўз Мирза Қосимға узориш,

Мухаммасни қўлиға қил сипориш.

¹ Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-рўйхат, 115-ш, 132-бет

² «Сабога хитоб»нинг ушбу нусхаси Ўзбекистон ФА ШИ фондидаги № 5736 кўлемга баъзининг 121^а-130^а-сахифаларига кўчирилган.

³ Бу ҳақда қараг: А. Қиёмов. Базий аниқликлар. - Фуркат ижодиети. Т.: Фан, 1990, 13-15-бетлар (Шеърӣ мактубининг тўлиқ матни қирш ва сўнгуёз билан «Туркистон йиғолининг газети» 1892 йил 15 апрель сониде ҳам босилган).

⁴ Бу ҳақда қараг: Рашид ас-дин Ватват. Сады воллебества в тонкостях поэзии (Хаддаик ас-сикр фи дака ик аш-шайр). Москва, 1985, с. 237; Шайх Ахмад ибн Худейбод Гарозий. Фунуну-л-илоға. (Нашрга тоғирловчи ва сўзбоши муаллифи А. Хайитметов). Т.: Хазина, 1996, 143-бет.

Буюрмиш эрди ул Тошканде аввал,

Келиб ман мунда, қолмиш эрди матъал.

мисраларидан маълум бўлишича, хоғиз дўсти Мирза Қосим Фуркатдан бир мухаммас ёзиб беришни сўраган. Шoir бу мухаммасни ёзиб жўнатган. Шу пайтгача мухаммас матни топилмаган эди. Мазкур мухаммас аниқлаиб, матбуотда эълон этилди. Диссертацияда бу ҳақда махсус тўхталинган.

«Сабога хитоб» Фуркат таржимаи холини, айниқса, шoir ҳаёти ва тақдирда туб бурилиш ясаган Тошкент даврини ўрганишда муҳим манба. Унда шoirнинг «ғарибликда суянган муттақоси» Эшонхўжа эшон, «фарди замона» Хўжахон муфти, «улус шаҳзодаси» Фансуруллобек, «набз таъхисин билурда яғона» ҳаким Хожӣ Аъзам, шунингдек, Убайдулло маҳдум, Жамолхон маҳдум, Хонхўжа эшон, Маҳмудхожа эшон, Мирзо ака, Ахмадхожа юзбоши, Мирзо Халил, Қори Сиддик, Авлиёхўжа, Абдул Азизхон, Мирза Қосим, Фарзӣнхон, Мирмақсуд, Хожӣ Вали, Яъқуб хожӣ, Мир Али, Мирза Хошим, Ғиёсхон, Саримсоқ, Орифхон, Қаримхон, Муслимжон каби кадрдонлари номи зикр этилган. Уларга махсус-махсус саломлар йўлланган.

«Сабога хитоб» арузнинг ҳазаки мусаддаси махзўф (мағбўийлун мағбўийлун фаулун) вазнида ёзилган. Асар миллий адабийетимиздаги нома жанрини ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитди. Унгача ёзилган «Мухаббатнома», «Лағофатнома», «Дахнома», «Гаашшукнома» каби асарлар бир неча номалардан ташкил топган бўлиб, асосан муҳаббат мавзуйда битилган. «Сабога хитоб» эса улардан ҳам шаклан, ҳам мазмунан фарқ қилади. Бу, аввало, унинг яхлит бир мактуб эканлигида кўринади. Қолаверса, мазкур асарлардан фарқли ўлароқ мактубнинг мавзу кўлами кенг. Унда она-юрт ва дўстлар дийдорига бўлган соғинч, ишқ-муҳаббат, ибсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат мавзулари юксак бадийят билан ифодаланган.

Фуркатнинг Туркия сафари давомида ёзган, шу пайтгача мутахассисларга дээрли маълум бўлмағи келган яна бир асари «Эй сабо» радифли газалидир. «Сабога хитоб» шеърӣ мактубида шoir «Насиб ўлса Мадина сори кетиш» режаси ҳақида ёзади. Бу шеърда ҳам Мадина зиёратига муштоқ шoirнинг қалб изҳори ифодаланган:

Сана дуити бандани ҳожати анга боғла бир қамар,

Эй сабо,

Дунуб қайтмасан бурадан Мадинаи сабина узар, эй сабо».

¹ Қаранг: «Бир ўт чакмили ишқ осмонийдини» // Ўзбекистон адабиети ва санъати, 1997 йил 18 апрель

² Ўзбекистон ФА ШИ, Х.С. Сулеймонов фонди, инв. № 2492, 235^а-сахифа (Шеърдан олинган барча нусхалар шу манба асосида келтирилди).

Ушбу байтда шоир ироқ фи-с-сифат («Жамолим панжалар урди куёшқа») санъатидан фойдаланади. Бундан ташқари, асарда таносиб, тазод, талмех, ташхис, тансику-с-сифот, каломи жомеъ каби бадий санъатлардан маҳорат билан истифода этилган.

«Румоли киз хикоят» оптимистик рух билан яқунланган. Табиийки, Ватандан жудо бўлганига хали кўп бўлмаган Фуркат бу пайтда она-юртга қайтишдан умид узмаган эди. Бинобарин, ўз қахрамонининг айрилик изтиробларини машаққатларидан сўнг она-диёрига қайтиши, яқинлари дийдорига восил бўлиши мисолида шоир ўз орзуларининг рўёбга чиқишини истаган, деб ҳисоблаш мумкин.

Бошнинг кейинги фасли «**Фуркат Араб мамлакатлари ва Хиндистонда**» деб номланади. Фуркатшуносликда шу пайтгача яратилган талкикотларда шоирнинг Араб мамлакатларида бўлганлиги қайд этилган бўлса-да, ҳаж арқонларини адо этганлиги, диний-маърифий мавзуда кўнлаб асарлар ёзганлиги, «Хажнома»си хусусида мулоҳаза юритилган эмас.

Маълум бўлишича, Фуркатнинг шахсий муҳрида ҳам хожи унвони акс этган. Жумладан, шоирнинг Ёркенгдан 1896 йил август ойида ва сана қўймастан² йўллаган дастхат мактубларида «Зокиржон хожи» унвони билан, 1905 йил 10 июлда юборган мактубида «Ҳаким Зокиржон хожи» деган битик билан муҳр босилган. Жилда-Макка йўлидан ёзган мактубидаги «...йнгирма бешинчи мохи ражабда Жилдаи мубораққа дохил бўлуб, уч-тўрт кун туруб, Маккаи муқаррамага чиқиб кетдим»⁴ деган сўзларига қараганда, шоир 1892 йил 24 февралда Жилдага борган ва февралнинг охирида Маккаи муқаррамага жўнаган.

«...муҳаррам ойида Жилдадин ҳаракат айлаб, бандлари маъмураи Бўмбайга келиб... бир мактуб ёзиб эрдим»⁵ деган сўзлари шоирнинг Араб мамлакатларида қанча муддат бўлганлигини аниқлаш имконини беради. Фуркатнинг 1892 йил февраль ойи охирида Маккаи муқаррамага борганлиги, муҳаррам ойи 1892 йил августига тўғри келиши ҳисобга олинса, Араб мамлакатларида олти ойдан кўпроқ бўлганлиги маълум бўлади.

Бу муддат давомида Фуркат қизғин ижодий фаолият билан шуғулланди. 216 мисралдан иборат «Хажнома»си, мусаббаъ жанридаги фалсафий шеъри, кўнлаб ғазал ва мухаммаслари шоирнинг Араб мамлакатларидаги ижоди самарали бўлганлигини кўрсатади.

Ушбу ғазал тили ҳам унинг Туркия сафари вақтида ёзилганлигини тасдиқлайди. Энг эътиборлиси, ғазалнинг ўзбек мумтоз шеъриятида кам қўлланган вазнда битилганидир. Навоий «Мезон ул-авзон»да арузнинг қомил баҳри хақида шундай ёзди: «...аҷам шӯароси арузларида кўрулмайдурким, алардин бири қомил баҳрийдур... мусаммани солимда оз шеър воқий бўлбугур»¹.

Фуркатнинг мазкур ғазали айни шу «...оз шеър воқий бўлган» қомили мусаммани солим (мутафоилун мутафоилун мутафоилун) вазнда битилган. Фуркатгача арузнинг ушбу баҳрида Навоий, Мунис ва Оғахийлар шеър ёзганлари маълум. Шайх Аҳмад Тарозий² ва Бобур³ ҳам мазкур баҳр хусусида маълумот бериб, унга ўз шеърларидан мисоллар келтирганлар. Демак, туркий тилда Навоийгача фақат Аҳмад Тарозий бу вазнда шеър ёзган бўлса, Навоийдан кейин бу анъана нисбатан кенгайган. Диссертацияда ушбу ғазал муфассал таҳлил этилди.

Фуркатнинг Юнонистон сафари давомида ёзган ягона асари маълум. Мутахассислар томонидан «Юнон мулкида бир афсона» деб юритилиб келинган 89 байтдан иборат бу асар профессор А. Абдуғафуров томонидан чуқур таҳлил этилган. Олим асарнинг саргузашт-романтик йўналишида эканлигини тўғри белгилайди. Уни шу тилдаги «Чор дарвеш» билан муқояса этади, умумлашма ҳулосалар чиқаради. Асар номини «Юнон мулкида бир афсона» деб аташ мақсадга мувофиқ эмас, деб топди. Асарини «...академик В. Зоҳидов тақлиф этганидек «Румоли киз хикоят» деб аташ маъқул бўлади»⁴, - деган ҳулосага келади.

Профессор А. Абдуғафуров асосий этиборни асарнинг жанр хусусиятлари ва ғоявий таҳлиliga қаратган. «Румоли киз хикоят» шу пайтгача шоирнинг поэтик маҳорати нуқтан назаридан талқиқ этилган эмас. Арузнинг ҳазак мусаддаси маҳзуф (мафъийлун мафъийлун фаъулун) вазнида битилган ушбу асар Фуркат бадий маҳоратининг юксак намунаси ҳисобланади. Нисбатан кам қўлланилган бадий санъатлардан ҳам унумли фойдаланилгани асар аҳамиятини оширади. Масалан, италиялик кизнинг ҳуснда тенгсиз эканлиги унинг ўз тилидан шундай таърифланади:

**Етиб ёшим гараз ун тўрт ёшқа,
Жамолим панжалар урди қуёшқа.**

¹ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. -Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик, ўн олтинчи том, Т.: Фан, 2000, 90-бет.

² Алишер Навоий. Навоидир уш-шайбоб. -Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик, Тўртинчи том, Т.: Фан, 1989, 247-бет. Муниҳ. Сайлама. Т.: Адабиёт ва санъат, 1980, 133-бет; Оғахий. Тавғиз ул-ошиқини. Т.: ЎзФА нашриёти, 1960, 339-бет.

³ Шайх Аҳмад аби Хулайф Тарозий. Фунуну-л-балого. Т.: Хазина, 1996, 200-бет.

⁴ Бобур. Муқтабар. Т.: Фан, 1971, 80-бет.

⁵ Бу ҳақда қарагил: А. Абдуғафуров. Зокиржон Фуркат. Т.: Фан, 1977, 49-57-бетлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, фонд № 1009, 1-руйхат, 115-нш, 98-бет

² Ушш маъба, 136-бет

³ Ушш маъба, 104-бет

⁴ Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-руйхат, 151-нш, 48-бет

⁵ Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-руйхат, 115-нш, 95-бет

Фуркат шеърятда ислом маърифати ва тасавуф ахлоки мавзуи етакчи ўрин тутади. Шоирнинг бу мавзуга мурожаатини фақат Араб мамлакатлари сафари билангина боғлаш тўғри эмас. У ёшлигинанок линий ва дунёвий илмларни мукамал эгаллади. Малраса таълимнинг олди. Фариддин Аттор, Навоий, Хофиз, Машраб, Бедил, Хусрав Дехлавий, Шамсиддин Табризий, Сўфи Оллоёр, Фузулий каби шоирлар ижодидан баҳраманд бўлди. Араб ва форс тилларини пухта ўрганди. Шарият ва тарикат илмида камолга эришти. Шоир ғазаллардаги аксар байтлар Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга битилган шеърий шарҳлар эканлиги ҳам ушбу фикрни қувватлайди.

Фуркат шеърларида оят ва ҳадисларга мурожаат икки хил усулда бўлганлиги кузатилади. Биринчиси—оят ва ҳадислардан тўғридан-тўғри иктибос келтириш. Иккинчиси—оят ва ҳадисларнинг шеърий шарҳи. «Йлохо, турфа бир недон қулунгман» мисраси билан бошланган ғазалда шундай байт келади:

Дедиг: «Ла тақнату мин раҳматиллаҳу,

Умид айдаб анго боҳон қулунгман!

لا تقنطوا من رحمة الله

«Ла тақнату мин раҳматиллаҳу»³

оятни каримаси Қуръони карим изоҳли таржимасида: «Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмагиз!»³ дея шарҳланган.

Оятни каримадаги теран мазмун Фуркат маҳорати боис гўзал бадийий шаклда шеърга кўчган. Бунда шоир иктибос санъатидан фойдаланган. Фуркат асарларида ҳадислардан ҳам худди шундай иктибос олиш ҳоллари мавжуд. Бунда ҳадисдан бъзан гўла, айрим ҳолларда қисман иктибос келтирилади. Жумладан, шоир «Ҳажнома» асарида шундай ёзади:

Рисолат тождори шоҳи «Лав лак»

Нубувват баҳрида бир гаҳари пок»⁴

Байтда «Лав лака лама холақту-л-афлак»—(Эй Мухаммад,) агар сен бўлмасанг эли, мен бу фалакларни яратмаган бўлардим») кудсий ҳадисдан қисман иктибос олинган.

Таъкидланганидек, Фуркат шеъриятида оят ва ҳадисларга мурожаатнинг иккинчи—уларни шеърий шарҳлаш усули ҳам мавжуд. Жумладан:

Кулли ашё жунбуш айлаб зикрига машғулдур,

Ваҳиёни дашт, хайл ул-бахру мурғони ҳаво»⁵

تسبح له السموات السبع والارض ومن فيهن وان من شئ الا يسبح بحمده ولكن لا تفقهون تسبيحهم

Tusabihu lahu-s-samavatu-s-sab'u wa-l-ardu wa man fiyhanna wa in min shay'in illa yusabihu bihamdih wa lakin la tafqahu ta-sbi-hu-hum

Ушбу оят Қуръони карим изоҳли таржимасида шундай шарҳланади: «Етти осмон, Ер ва улардаги бор жонзот— мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан Оллоҳни поклар, ёд қилур. Лекин, сизлар (эй инсонлар) уларнинг тасбех айтишларини — поклашларини англамасизлар».

Мазкур оятни каримани Олтинхон тўра куйидагича тафсир қилади: «Яъни, ҳар бир маълук, яралмишларнинг ҳар бири забони ила ё холи ила Парвардигор поклинг баён қилур ва анинг ҳамдин айтур. Лекин, сизлар билмасизлар. Чунки сизлар билмаган лутғатда тасбех айтурлар»³.

Оят мазмунини биргина байтда шунчалик бетақрор бадийий шаклда ифода этиш шоирдан чўкур илм, юксак маҳорат талаб қилади. Фуркат оят мазмунини янада ойдинлаштиради. «Кулли ашё»нинг Оллоҳни зикр этишини таъкидлаган шоир ўқувчига таъсирлироқ бўлсин учун улардан айримларини номма-ном санайди: даштдаги ваҳший хайвонлар (ваҳшиёни дашт), денгизлардаги жониворлар (хайл ул-бахр), ҳаводаги қушлар (мурғони ҳаво). Бунда байт таъматнида ифодаланган маъно янада эътиборга лойиқ: яъни, мазкур жониворларки Яратганнинг зикрини бир нафас бўлсин унутмас экан, яралмишлар афзали — Инсон бундан гофил бўлмаслиги керак.

Диссертацияда, шоирнинг Араб мамлакатларига сафари давомида ёзилган «Ё раб» ралифли ғазали ҳамда «Ҳажномаси» биринчи марта матний ва бадий-эстетик таҳлил этилди.

Шу пайтгача шоир тахаллуси бир хил: Вагадан айрилиқ маъносидан изоҳланган. Бу ҳам тўғри. Лекин, тадқиқотларда шоир ушбу тахаллусни она-юртдан йироқла яшагача мажбур бўлганлиги учун танлаган, деган қараш устувор бўлиб келди. Яъни тахаллуснинг фақат биргина маъносига ургу берилди. Ахир Фуркат Вагадан эканлигидаёқ мазкур тахаллусни танлаган эди-ку, бунинг бошқа сабаблари йўқмикан? Диссертацияда масалага худди шу нуқтаи назардан ёндашилиб, шоир тахаллуси унинг эътиқоди, дунёқарашидан келиб чиқиб, янгича талкин этилди.

القون الكريم سورة الإسراء ٤٤- آية ١

¹ Қуръони карим. «Исро» сураси, 44-оят. Аловуддин Мансур изоҳли таржимаси, Т.: Чўлпон, 1992, 199-бет.

² *القون الكريم، مترجم ومحشى باللغة التوركستانية السيد محمود الطراوى، دولة القطر، ١٩٩٢. ٣١٣ - ٣١٤ - بيتلار*

¹ Ўзбекистон ФА ШИ, Кўлёма № 10072, 229^б, 230^а-бетлар

² *القون الكريم سورة الإسراء ٤٤ - آية ١*

³ Қуръони карим. «Зумар» сураси, 53-оят. Аловуддин Мансур изоҳли таржимаси, Т.: Чўлпон, 1992, 343-бет

⁴ Ўзбекистон ФА ШИ Х.С. Сулаймонов фонди, Кўлёма № 2492

⁵ Ўзбекистон ФА ШИ Х.С. Сулаймонов фонди, Кўлёма № 2492, 203-бет

Фуркат саккиз ёшидаёқ «Мантик ут-тайр»ни аслиятда мутолаа қилган, тасавуф таълимотининг инсон камолотида тутган муҳим аҳамиятини болалигиданок англаган. «Ахволот»да шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: «...вақтим хомаси ҳаётим юзидин саккиз ракамни чекти, зехним тайри «Мантик ут-тайр» китобига нотик бўлди. Олти ой болулар уруб қушлар хикоятини хотима ошёнасига кўндурдум».

Шоир «Мантик ут-тайр»ни шунчаки мутолаа қилган эмас: «олти ой қушлар билан болулар урган». Кейинчалик Фуркат тасавуф илмига оид илмий рисоаларни мутолаа қилади. Тасавуф ҳаётини амалда яшайди. Шоир «Ахволот»да ўз ғазалларининг «Фаргона музофоти» ва дигар мамлакатларга мунташир» бўлганлигини, «...шўрангез ашъоридин хонакоҳ хофизлари ўқуб, сафо хайли халқасига ҳаловатлар бағишлаган»лигини таъкидлайди¹. «Хонакоҳ хофизлари» — суфийна ғазалларин «сафо хайли» — тарикағ ахли халқасида кироат билан ўқийдиган хофизлар. Хослар — ахли Ҳақлар даврасида ўқилиб, улар «халқасига ҳаловатлар бағишлаганлиги» Фуркат ғазалларининг ўз давридаёқ нечоғлик қадрилангани исботидир.

Афсуски, хозирча шоирнинг пири муршиди ким бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Шоир ўзининг «Уммати саргаштаман, ё Мустафо, айланг мадад» мисраси билан бошланувчи ғазалида пирининг Наманган шаҳрида «фано бўлган»лигига ишора қилади:

Ё зуломи шайх *Гавси Қодирия, раҳбарим,*

*Бўлдингиз шаҳри Намангонда фано, айланг мадад*²

Қуйилган байт ҳам шоирнинг қодирия тарикатида бўлганлигини, Шайх Абдулқодир Жийлонийни ўзига пир деб билганлигини тасдиқлайди:

Илоҳо, ташлама Фурқатни ўтга,

Муриди ҳазрати Жийлон, қулунгман

Шоирнинг бошқа шеърларида ҳам бунга ишоралар мавжуд. «Айланг мадад» радиқли ғазалидаги «*Фурқатий йўлларда қолди, Гавси Абзам дастгир*» мисраси бунга далил.

Маълумки, тасавуф таълимоти бўйича, инсон токи фоний дунёда экан, Ҳақ таоло висолидан айрилиқла, фирокла хисобланади. Ахли Ҳақларнинг бош мақсади — Оллоҳ таоло жамолини кўриш, дийдорига восил бўлиш. Табийки, қодирия тарикати вақили сифатида Фуркат ҳам худди шу мудао билан яшаган. Шоир таҳаллуси худди шу эътиқод,

дунёқараш асосида танланган ва, бизнингча, Ҳақ таоло васлидан айрилиқ маъносини ифодалайди.

Фуркат ҳақида аратилган бир қанча талқиқотларда унинг Ҳиндистон сафари ҳақида бир-биридан фарқи мuloҳазалар биддирилган³. Шоир мактубларидан бирида ўзи Бўмбайга келган санани аниқ кўрсатади: «*Сафар ойининг аввалида... азмағат айлаб, ўн олтинчи кунни Бўмбайга сихат ва саломат дохил бўлдум*»⁴. Яна бир мактубидаги «...Ҳиндистондин Кашмир вилоятига келиб, бир мактуб юбориб эрдим. Ва лекин Кашмирда бир мунча замон туруб, андин Тенаг (Тибет) шаҳрига келдим. Андин рабий ул-аввал ойининг аввалида Ёрқанд вилоятига келдим»⁵ - деган сўзларидан эса унинг Ҳиндистонда қанча муддат бўлганлиги маълум бўлади.

Хижрий таквим бўйича, сафар ва рабий ул-аввал ойининг оралиги роппа-роса бир йилу бир ойга тўғри келади. Демак, Фуркат Ҳиндистонда, шу пайтгача таъкидланганидек етти ойга яқин эмас, Тибетни ҳам қўшганда бир йилу бир ой бўлган. Афсуски, шоирнинг Тибетда қанча муддат бўлганлиги маълум эмас. Мавжуд манбаларнинг бирортасида ҳам бу ҳақда аниқ маълумот учрамайди. Фақат шу масала оидинлашгандан кейингина Фуркат Ҳиндистонда қанча муддат истикомат қилганлиги хусусида аниқ тўхтамга келиш мумкин бўлади.

Фурқатнинг Ҳиндистон сафари пайтида ёзган энг машҳур асарларидан бири «Бўмбайдан хат» номи билан юритилиб келган шеърин мактубидир⁶. Диссертацияда мазкур асар асл матн билан муқояса этилди, жорий наشرлардан тушириб қолдирилган шоир дунёқарашини, эътиқодин билан боғлиқ байтлар таҳлил этилди. Ушбу асар ҳамда «Кашмирда», «Булбул» каби ғазаллар матншунослик ва поэтик маҳорат нуктаи назаридан талқиқ қилинди.

Ишнинг учинчи боби «*Фуркат ҳаёти ва ижолининг Ёрқент даври. Шоир меросининг хоризжа ўрганилиши*» деб номланган. Бобнинг «*Серкирра илмий-ижодий фаолият*» деб аталган биринчи фаслида Фурқатнинг шоир, носир, табиб, хаттот ва олим сифатида олиб борган фаолияти талқиқ этилган.

Шоир, «...рабий ул-аввал ойининг аввалида Ёрқент вилоятига келдим» деган эътирофида, Ёрқентга 1893 йил сентябрда келган.

¹ Холид Ришп, Зокиржон Фуркат ижоди. Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1954, 106-бет. Шу муаллиф Фуркат Таълибий-биографик очерк. Т.: Бадий адабиёт, 1959, М.Юнусов, Фуркат ҳаёти ва ижодий ўрганилиши баян масалалари. - Фуркат ва Муҳимий ҳақида мақолалар. Т.: Бадий адабиёт, 1958, 80-бет, С. Мирвалиев, Фурқатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижоди ҳақида. - Зокиржон Фуркат. Мақолалар Ҷўмаи. Т.: Бадий адабиёт, 1959, 54-55-бетлар.

² Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-руйхат, 115-нш, 97-бет

³ Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-руйхат, 115-нш, (2-жулур), 138-бет

⁴ «*توسکستان ولايتينگ كرتيقي*» ۱۸۹۳ يىلى ۳۰ ئايرىل

⁵ Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-руйхат, 115-нш (2-жулур), 138-саҳифа

1 «*توسکستان ولايتينگ كرتيقي*» ۱۸۹۱ يىلى ۱۳ مارت ۱۰ - سان

2 «*توسکستان ولايتينگ كرتيقي*» ۱۸۹۱ يىلى ۱۲ ئايرىل ۱۵ - سان

³ Адабиётшунос А. Маданиятов шақсий куғубхонасида сақланаётган кўлемга баёз, 43^б-бет

⁴ Ўзбекистон ФА ШИ Кўлемга № 10072, 229^б-бет

Унинг бу шаҳардаги ҳаёти ва ижоди адабиётшўносликда муайян даражада ўрганилган¹. Лекин ушбу мавзунинг старли даражада талқин этилмаган жиҳатлари кўп. Қолаверса мустабид шўро мафкураси, шоир ҳаёти ва ижодининг айрим қирраларини тўла ёритишга имкон бермаган. Мавзуга оид бир қанча манбалар ханузгача талқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда.

Шулардан бири шинжонлик Фирдавс Азизийнинг шоир ҳаёти ва ижодининг Ёрқент даври ҳақида маълумот берувчи мактубларидир². Мактубларда шоирнинг Ёрқентдаги ҳаммаслақ дўстлари — Тажалли, Шариф охун, Абдурахим охун, Бобожон хожи, Муҳаммад Қори хожи, Умар хожи, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, уларда шоирнинг Ёрқентдаги турмуш тарзи, дўстлари даврасида ўтадиган шеврият кечалари, ижодий фаолияти хусусида ўзга манбаларда учрамайдиган маълумотлар берилган.

Диссертацияда Фурқатнинг «Қавонди Чин ва умуроти сиёсий» асари XX аср бошлари ўзбек наsrининг ноёб намунаси сифатида талқин этилди. Адабиётшўносликда мазкур асар ҳақида айрим мулоҳазалар айтилган бўлса-да, Фурқат ижодининг тамомила янги қирраларини намоён этувчи ушбу асар муфассал талқин этилмаган эди.

Фурқат Ёрқентдан йўллаган бир мактубида «Ушбу дафъа хат бирлан бир китобким, шул вақтдаги Чин давлати хонининг вафот топқон отаси Чўнхон ўз таъбидин тасниф қилгон экан, яхши зарурлик сўзлари бор учун хизматингизга юбордим»³, - деб ёзган эди. «Қавонди Чин ва умуроти сиёсий» газетада 1905 йил 22 декабрдан босила бошлаганилиги эътиборга олинса, Фурқатнинг мактуби 1905 йилнинг ўрталарида ёзилган бўлиб чиқди. Оралан бир йилча вақт ўтгандан кейин, демак, 1906 йили йўлланган яна бир мактубида шоир «Ўтган йилда Хитой хони тасниф қилгон бир китоб бирлан бир мактуб хизматингизга юборуб эрдим. Анни(нг) бориб теккан ва тегмаган сабабидин ҳеч хат ёзмадингиз.

Лозимдурки, илтифот қилиб, бир мактуб ёзгайсиз» - деб ёзди.

«Қавонди Чин ва умуроти сиёсий» газетанинг 1905 йил 22 декабрь №50, 1906 йил 1 январь №1, шунингдек, 15, 22 февраль 7-8-сонларида эълон қилинган⁴. Маълум бўладики, асар «Туркистон вилоятининг газетида босилгандан кейин ҳам, оралдан бир йил ўтса-да, Остроумов Фурқатга газетанинг мазкур сонларини юбориш тугул унга бу ҳақда бир оғиз хабар беришни-да лозим кўрмайди. Шунинг ўзиёқ чор ҳукуматининг Туркистондаги эътиборли вакилларидан бири, миссионер Н.П.Остроумовнинг шоир Фурқатга бўлган «хурмати» нечоғлик эканлигини хис этиш имконини беради.

Бугина эмас. Газетанинг 1906 йил 22 февраль 8-сонда «Бақияси бор» деган кайд бўлишига қарамай, асарнинг лавоми босилмайди. Унинг бизга маълум қисмида Хитой қоидалари («Қавонди Чин») ҳақида анча муфассал маълумот берилган. Номланишидаги «умуроти сиёсий» («сиёсий ишлар») атамасига кўра унинг Хитой сиёсий ҳаётига оид муҳим қисми газетада босилмаган ва бизгача етиб келмаган. Диссертацияда мазкур асар биринчи марта муфассал илмий тахлил қилинди.

Фурқатнинг публицистик мақолалари замонасининг долзарб муаммоларига бағишланган. У «...ўзбек адаблари ичида биринчи бўлиб замонавий маънодаги публицистикага асос солган»⁵ адиб. Биргина далил: «Газет муаллифига керакким, - деб ёзди Фурқат, - инсофпеша ва ростдилеша бўлғай. Нолойик ва номуносиб сўзларни газетга солмағай ва ёзгон қаломидин газет ўқувчиларга нафъ ва фойда ҳосил бўлғай. Агар бир хикоят ёзса ҳам анинг заминиде бир фойдалиқ мазмуни бўлғай. Хоржижа ва дохилия ахволотидин ёзса, адл ва инсоф юзидин ростлик бирла ёзғайким, эътибор ва истихсонга лойиқ бўлсун»⁶.

Миллий матбуотчилик эндигина шаклланаётган бир пайтда айтилган бу сўзлар, оралдан қарийб бир аср ўтган бўлса-да, ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зотан, Фурқатнинг ўзи ушбу сўзларига ҳар доим амал қилди. Фурқат публицистикасида инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни, олоб-ахлоқ, инсоф-диёнат каби фазилатлар тарғиби, ёлгон ахборот тарқатиш, фирибгарлик, товламачилиқ каби иллатлар танқиди, хоржижий мамлакатлардаги турли миллат ва элатларнинг турмуш тарзи, кадриятлари ҳақидаги ахборотларгача бўлган кенг камровли масалалар қаламга олинган.

Бу хусусда сўз юритганда бир масалага оидчилик киритиш эҳтиёжи

¹ Бу ҳақда қараи: *Ҳалид Рауф*. Фурқат: Талқидий-биографик очерк. Т.: Баъий адабиёт, 1959, 95-100-бетлар. Фурқат ва Муқовий ҳақида мақолалар. Т.: Баъий адабиёт, 1958, 20-103, 147-151-бетлар. *С. Мирзалиев*. Фурқатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижоди ҳақида. - Зокиржон Фурқат. Мақолалар тўплами. Т.: Баъий адабиёт, 1959, 50-67-бетлар. *А. Абдуғайфуров*. Зокиржон Фурқат. Т.: Фан, 1977, 89-103-бетлар. *Ғ. Қаримов*. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи ютоб. Т.: Ўзгучуви, 1987, 139-140, 155-161-бетлар. *А. Қавонди*. Шоир Фурқат. //Шарк қолдурди, 1989, 5-6-сонлар. *Ш. Юсуфов*. Фурқат йўллариде. Т.: Адабиёт ва санъат, 1984, 177-190-бетлар; *Шу. Муаллиф*. Фурқат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босмақи. Филология фанлари доктори... диссертацияси. Т., 1990, 261-302-бетлар. *Некмишаро Убайдулло*, *Х. Солиҳова*. Шароий Туркистонда. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 йил 31 март. *Р. Қосимов*. Фурқатнинг Ёрқентдаги ҳаётига оид маълумотлар. - Фурқат ижодияти. Т.: Фан, 1990, 153-156-бетлар.

² Мактублар ўз-ФА Алишер Навоий номидеги Давлат Адабиёт музейи Фурқат фондида сақланади.

³ А. Абдуғайфуров. Зокиржон Фурқат. Т.: Фан, 1977, 207-208-бетлар; Ш. Юсуфов. Фурқатнинг сўнги асари. // Улмусти, 1987, 8-сон

⁴ Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-рўйҳат, 115-нш (2-жузлар), 136-бет.

¹ Ўзбекистон МДА, фонд № 1009, 1-рўйҳат, 115-нш, 149-бет.

² Асар ушбу манба ассенда тахлил этилди.

³ А. Абдуғайфуров. Зокиржон Фурқат. Т.: Фан, 1977, 196-бет.

⁴ «سان وادبياتىنگىزىكى ۱۹۰۵ يىل 7 اپرېل ۱۴ - سان»

сезилади. А. Абдугафуров ва Ш. Юсупов «Туркистон вилоятининг газети»да имзосиз эълон қилинган «Ёқуббек марҳумининг кўлига тушган Қашкар вилоятининг ахволоти хусусида»¹ ва «Қашкар вилоятидаги сартия халқларининг зиндагончилик ахволотлари хусусида»² мақолаларини Фуркатга нисбат беришган³. Бизнингча, бу фикр мунозарали кўринади. Аввало, ҳар иккала мақола газетда имзосиз эълон қилинган, «...мақола охирида қанс ичида рус тилида «Қирғиз газетасидан» («Из кирг. газ.») деган кайд мавжуд»⁴. Иккинчидан, мазкур мақолалар услуби ҳам Фуркат мақолаларидан кескин фарқ қилади. Улардаги жумла тузилишларида услубий ғализиқлар мавжуд. Учинчидан, рус мустамалясида химоляниш учун турк султони билан битим тузган ва шу туфайли ўз замонида қатта шуҳрат қозонган Ёқуббекни бунчалик ерга уриш Фуркат дунёқаршига унчалик мувофиқ келмайди. Тўртинчидан, Фуркатнинг ўзи мустақкам эътиқод соҳиби бўлгани ҳолда динни маҳкам тутганили учун Ёқуббекни танқид қилиши мантқиққа зид кўринади. Ҳар ҳолда, бу масала янада чуқурроқ ўрганилиши керак.

Диссертацияда, бундан ташқари, Фуркатнинг ҳаттот ва табиб сифатидаги фаолияти манбалар асосида талқин қилинди. Манбаларда унинг **аниқ фанлар билан ҳам жиддий шуғулланганлиги** таъкидланади⁵. Диссертацияда бу хусусда махсус тўхталинди.

Бобнинг иккинчи фасли «Поэтик маҳорат ва образлар силсиласи» деб номланган. Фаслда шoirнинг хорижда ёзган асарлари поэтик маҳорат ва образлар тизими нуктаи назаридан таҳлил этилди. Жумладан, шoirнинг «Келди баҳор...» газалининг дастхат нусхаси аниқланди⁶, ушбу матн асарнинг мавжуд нашр нусхаси билан муқояса этилди. Шернинг дастхат нусхаси аниқланиши икки жиҳатдан, айниқса, аҳамиятли. Мазкур дастхат орқали, биринчидан, газалининг муқаммал матнини тиклаш имкони туғилди. Иккинчидан, асар ёзилган сана ва жой ойдинлашди. Дастхат нусхалаги: «Бир машкаи баҳорий ҳайл гулшанидин шукуфта қилгон эрди, агарчи тийрамоҳ фаслидур. Ирсол қилинди 1316-нчи йилинда. Ёрқанд шаҳрида. Зоқиржон Фуркат.» деган кайд бунинг исботи.

Бундан ташқари, диссертацияда Фуркатнинг «Айрилиб қолдим»

¹ «Туркистан ۋلايىتىنىڭ كىرىمى» ۱۸۹۷-يىلى ۵-دېكېنر ۴۱-سان :

² «تۇركستان ۋلايىتىنىڭ كىرىمى» ۱۸۹۷-يىلى ۱۳-دېكېنر ۴۷-سان :

³ Бу ҳақда қараг: А. Абдугафуров, Зоқиржон Фуркат. Т.: Фан, 1977, 196-202-бетлар.

⁴ Фуркат ва ўзбек маърифаттараварлик адабиётининг аниқ босқичи. Филология фанлари доктори... диссертацияси, Т., 1990, 298-300-бетлар.

⁵ «تۇركستان ۋلايىتىنىڭ كىرىمى» ۱۸۹۷-يىلى ۵-دېكېنر ۴۱-سان; ۱۳-دېكېنر ۴۷-سان.

⁶ Муқимий хавода мақолалар. Т.: Уздавнашр, 1958, 150-бет.

⁷ Дастхатнинг асл нусхаси Гафур Гулом номидаги Фаргона вилоят Адабиёт музейи кўлемиза асарлар хазинасида сақланади. Шер матни ва на ундан олдинги нусхаси билан шу маънода келтирилди (Билга Фуркатнинг ўз кўли билан кўчирилган мазкур дастхат ксерокопиясини ташким этган захматқоли олими, муҳтарам Абдуллатиф ака Турдалиевага самимий миннатдорчилик тизим эгани).

радибли газали ва «Мареняи таржибанд» асари матний ва поэтик нуктаи назардан талқин этилди.

Фуркатнинг хориждаги шеърийати гурбат оҳанглирининг устувор эканлиги билан алоҳида ажратиб туради. Шу боис ундаги **ғариб**, **ит** (алашган, оворра ит), **гул**, **гунча**, **лола** (сахро юзидаги лола), **булбул** (бўстондин, фиғондин адашган булбул) каби образлар муайян бир силсилани, узвий боғлиқликни ташкил этади. Лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини ифодалашда умумлашма воситалар сифатида алоҳида ўрин тутган мазкур образлар силсиласининг шoir лирикасидаги ўрни талқикотда мисоллар орқали таҳлил этилди.

Фуркат шеърийатидаги мазкур образлар силсиласи, биринчидан, шoir дунёқарши, эътиқодини англашда муҳим аҳамиятта эга. Иккинчидан, Фуркат назмий мероси поэтикасининг етакчи хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шу жиҳатдан, улар шoir бадиий маҳорати сирларини ўрганишда алоҳида ўрин тутди.

Бобнинг «Хорижлик олимлар Фуркат ҳақида» деб номланган учинчи фаслида Фуркат ҳаёти ва ижоди тўғрисида Америка (Э. Оллворт)¹, Германия (Найли Баратов)², Туркия (Заки Валидий, Я. Экман)³ каби мамлакатлар олимлари томонидан яратилган талқикотлар таҳлил этилди. Бундан қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин: Биринчидан, Фуркат ижоди ҳар доим ҳам хорижлик мутахассислар эътиборини торттиб келган. Иккинчидан, хорижлик талқикотчилар ўз изланишларида ўзбек адабиётшунослиги ютуқларига таянганлар.

Фуркатшуносликда шoir мероси намуналарини тўллаш, илмий ўрганиш ва нашр этиш борасида Шарқий Туркистонда амалга оширилган ишлар шу пайтгача махсус ўрганилган эмас. Кейинги изланишлар Шинжонда бу борада бир қанча эътиборли ишлар амалга оширилганини кўрсатмоқда. 1989 йили «Қашкар уйғур наشريёти» томонидан чоп этилган 12,6 б.т. ҳажмидаги «Фуркат тиланма асарлари» бунинг ёркин далилидир⁴. Тўпламини нашрга тайёрловчилар: Незьматулло Убайдуллохожи ва Файзуллохон Исҳоқхожи. Муҳаррир - Қодир Акбар. Адади - 3000.

Уйғур автономияси Ижтимоий фанлар академияси Миллатлар адабиёти институти томонидан нашрга тайёрланб, 1989 йили нашр этилган «Шинжонг ўзбек адиблари» антологиясида ҳам Фуркат

¹ Edward ALLWORTH, Uzbek literary politics. London-Paris, 1964.

² Philologie turcicae fundameta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965.

³ A. Zeki Velidi Togan, Bigünkü Türkli: Türkistan ve yakini tarhi. Istanbul-1981; Janos Eckmann, Harem, köpek ve çagatay türkesi üzerine arastirmalar. Ankara, 1996.

⁴ 1989. قوشقۇر ئۇيغۇر نەشرىياتى شىنجاڭ. قوشقۇر ئۇيغۇر نەشرىياتى شىنجاڭ.

асарларига салмоқли ўрин ажратилган. Хатто шу йили шоир асарлари хитой тилига таржима қилиниб нашр этилган.

Булар барчаси шоир асарлари хар доим хорижлик мутахассислар эътиборида бўлганлигини кўрсатади. Диссертацияда мазкур тадқиқотлардаги ютуқ ва камчиликлар тахлил этилди.

Тадқиқот натижаларидан қуйидаги илмий-назарий хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Фуркат ватанқудолигини икки омил билан изохлаш мумкин. Биринчидан, шоир чор мустамлака сиёсатига нисбатан муросасиз муносабатда бўлган. Бу сиёсатнинг туб моҳиятини ўз асарларида баъзан очикдан-очик, баъзан рамз ва тимсоллар орқали фош этган. Турли йилларда турлича жанрларда ёзилган «Муножоти мусаллас» (1879), «Бўлди» (1884) ва «Бегим» (1890) асарлари ушбу фикрни қувватлайди.

Иккинчидан, Фуркатнинг Ваган ва миллат манфаатига асосланган маърифатпарварлик фаолияти мустамлака маъмуриятига маъкул келмаган. Натижада, улар шоирнинг чет элларга кетишини режали асосда уюштирган.

2. Фуркатнинг хорижла қолиб кетиш сабабларини қуйидагича изохлаш мумкин: Биринчидан, шоирнинг чет элларда яратилган асарлари моҳият эътибори билан чор ҳукуматининг мустамлака сиёсатига зид бўлган. Иккинчидан, шоир рус ҳамда Европа илм-фани ва маданиятининг илгор жиҳатларини миллат ҳаётига татбиқ этиш ғоясини илгари сурган. Мустамлака маъмурияти манфаатларига мувофиқ бўлмаган бу фаолият шоирнинг юртга қайтиш йўллари беркичиб қўйилишига олиб келган.

3. Шоирнинг турли жанрларда ижтимоий-сиёсий мавзула ёзган асарлари ўз замонасининг энг долзарб муаммоларига бағишлангани билангина эмас, юқсак бадиият намуналари эканлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятта эга. «Муножоти мусаллас», «Бўлди», «Бегим», «Рус-япон муҳорабаси хусусида» каби асарлари бунинг далили.

4. «Рус асарлари таърифида» деб номланган келган маснавийнинг матний тадқиқи жорий имлодаги нашрларда асар матни жиддий қисқартирилганини кўрсатади. Маснавий шу пайтгача нотўғри талқин қилинган. Ваҳоланки, асар аслида рус асарларини макташ, таърифлаш учун эмас, чор армиясининг рус-япон урушидаги босқинчилик сиёсатини ва шармандаларча мағлубияти сабабларини фош этиш максалда ёзилган. Шунга кўра мазкур асарни «Рус-япон муҳорабаси хусусида» деб номлаш максалда мувофиқ келади.

5. Фуркатнинг чет элларга сафари саналарини энг сўнгги маълумотлар асосида қуйидагича белгилаш мумкин: Туркия-Юнонистон

сафари 1891 йил сентябрь - 1892 йил 24 февраль, Араб мамлакатларига сафари 1892 йил 24 февралдан шу йил августигача, Хиндистон-Тибет сафари 1892 йил августидан 1893 йил сентябрга қадар давом этган. Шоир 1893 йил сентябрида Ёркенгга етиб келади ва умрининг охирига қадар шу ерда тургун бўлиб қолади.

6. Фуркатнинг Истанбулда ёзилган «Сабога хитоб» шеърий мактуби ўзбек адабиётидаги нома жанрини ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитди. Бу асар «Муҳаббатнома», «Дахнома», «Таашуқнома» каби асарлардан мавзу кўламининг кенглиги, ўзига хос бадиий хусусиятлари билан фарк қилади.

7. Фуркат аруз назариясининг билимдонли бўлиши баробарида ушбу вазнининг ўзбек мумтоз адабиётида кам қўлланилган турларида ҳам асарлар ёзди. Қомили мусаммани солим вазнида ёзилган «Эй сабо» газали бунга далил. Туркий адабиётда Навоийгача фақат Ахмад Тарозий бу вазнда шеър ёзган бўлса, Навоийдан кейин бу анъана нисбатан анча кенгайган.

8. «Юнон мулкига сафар» ҳамда «Румоли қиз хикоят» асарлари шоирнинг эник жанрда ҳам самарали ижод қилганлигини кўрсатади. Таносуб, тазод, талмах, ташхис, игрок фи-с-сифат, таненку-с-сифот, каломни жомеъ, иштиқок каби шеърий санъатлардан унумли фойдаланилганлиги мазкур асарларнинг бадиий баркамоллигини таъминлаган.

9. Фуркат ижодида ислом маънавияти ва тасавуф ахлоқи мавзун етакчи ўрин тутди. Шоир шеъриятда оят ва хадислар талқини икки хил бўлганлиги кузатилади. Биринчиси - оят ва хадислардан тўғридан-тўғри иқтибос олиш, иккинчиси - улар мазмунини назмий усулда шарҳлаш.

Шоирнинг тасавуф ахлоқи мавзуга бағишланган асарлари тахлили тарки дунё ва тарки хавас тушунчаларини фарқлаш кераклиги, тасавуф дунёни эмас, унга бўлган муҳаббатни тарқ этишга тарғиб этиши тўғрисидаги назарий хулосага олиб келади.

10. Фуркат тахаллуси шу пайтгача фақат бир хил — Ватандан айрилиқ маъносинда талқин этилган. Ваҳоланки, тахаллусининг сўфиёна— Ҳақ жамолидан айрилиқ маъноси ҳам мавжуд. Буни шоирнинг дунёқароши тасавуфий асарлар асосида шакланганлиги, ақсарият шеърлари тахлили ҳам тасдиқлайди. Қолаверса, шоир ўз тахаллусини она-юртда яшаган пайтидаёқ танлаган.

11. Фуркат меросининг мавжуд нашрларида шоир ижодига мансуб бўлмаган асарлар ҳам мавжуд. Жумладан, «Киши холимини билмас меҳрибонидин адашганман» деб бошланувчи мухаммас Фуркатники эмас. Ўзбекистон ФА ШИ фондидаги 5666 рақамли кўлёманинг 233^а-234^б, шунингдек, 11517 рақамли кўлёманинг 167^а-168^б-бетларида асар

شېخاڭ ئۆزبېك ئىلمىي نەشرىياتى، شېخاڭ، 1989

баробарида унинг тафаккур оламни, дунёқарашини англашда муҳим аҳамиятга эга.

18. Мусаммат жанри деярли барча шоирлар ижодида учрайди. Лекин, бу жанрнинг муашшар турида ҳар қандай шоир ҳам ижод қила олган эмас. Ҳатто Навоий девонида ҳам муашшар мавжуд эмас. Шу жиҳатдан, «Марсиия таржибанд» Фурқатнинг юксак ижодкорлик салоҳиятига далил бўла олади.

Фурқат шеърӣ асар поэтикасини таъминлашда радиф нечоғлик катта имкониятга эга эканлигини ўн олти бандлик «Марсиия таржибанд»нинг ўн икки бандида «бўлди», «хайфо», «афсус», «тегди», «ўлай», «тутеун», «ўлеун», «охир», «харгиз», «эмди», «эт», «кетти» каби радифларни юксак маҳорат билан қўллаш орқали амалий жиҳатдан исботлади. «Адашганман», «Айрилиб қолдим» асарларида ҳам радифнинг поэтик имкониятларидан унумли фойдаланилган.

19. АКШ, Германия, Туркия, Мажористон ва Шарқий Туркистонда яратилган тадқиқотларда Фурқат ҳаёти ва ижодида муносабат билдирилгани шоир меросининг умуминсоний аҳамиятига далolat қилади.

20. Фурқатнинг Холид Расул томонидан тузилган араб имлосидаги икки жилдлик «Асарлар мажмуаси»га шоирнинг жами уч асари (2 ғазал, 1 мухаммас) кирмай қолган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 43 байт (86 мисра)ни ташкил этади. Бундан ташқари, тошбоёна манбалардан олингани учун шоирнинг ушбу мажмуага кирган айрим асарлардан бир қанча байтлар тушиб қолган. Бундай байтларнинг умумий ҳажми 11 байт (шундан 2 байти «Ҳажнома»дан, 7 байти «На мушки Хутандандур...», 2 байт «Булбулга хитоб» ғазалларидан)ни ташкил этади. Илк манбалар билан муқояса этилганда баъзи асарлар («Ҳажнома», «Келди баҳор», «Марсиия таржибанд»)нинг қўлёзма ва нашр нусхалари матнида жилдий тафовутлар мавжудлиги кўзга ташланади.

Бу, ўз навбатида, Фурқат асарларининг мукамал нашрларини амалга ошириш вазифасини кун тартибига қўяди.

Диссертациянинг асосий мазмуни тадқиқотчи томонидан эълон қилинган қуйидаги ишларда ўз аксини тошган:

1. Илмий мақолалар:

1. Н. Н. Жаборов. Фурқат — моҳир табиб. // Сихат-саломатлик, 1996, 1-2-сон, -Б. 28.
2. Н. Абдул Ҳаким (Жаборов). «Зои́л ўлмас бобоако давлат Ҳумосидин, бетим» (Муътабар дастхат тарихи). // Ёшлик, 1996, 4-сон, -Б. 61-63.

«Мухаммаси Хилватий бар ғазали Фурқат» сарлавҳаси билан берилган. Қўлёзма манбаларга таянлмаганлиги учун айрим тадқиқотларда ҳам ушбу мухаммас Фурқатга нисбат бериб келинган.

«Танланган асарлар»га киритилган «Туф» радифли ғазал ва «Муаззам Русу Чин...» деб бошланувчи тўртлик ҳам шоир асарлари манбаларида учрамайди. Шунга кўра замон тақозоси билан Фурқатга нисбат берилган бу асарлар шоир меросига дахли йўқ, деган хулосага келиш мумкин.

12. Шоирнинг бошқа кўплаб асарлари сингари Хиндистон сафари ҳақида бой маълумот берувчи «Фурқат шоир Бўмбай шахридин Махмудхўжага юборган назми ушбўдур» сарлавҳали шеърӣ мактуби ҳам қисқартириб (5 байт) нашр қилинган. Ваҳоланки, мазкур байтлар шоир дунёқарашини ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

13. Фурқат ҳаёти ва ижодий фаолиятининг Ёркент даврига оид манбалар шоирнинг бу ерда серқирра илмий-ижодий фаолият билан шуғулланганлигини кўрсатади. Жумладан, у назм ва насрда бетақрор бадий асарлар битди. Таъбат билан шуғулланди. «Зубдат ул-хуқамо» унвони соҳиби бўлди. Хаттоғлик бобида маҳорат касб этди, шоғирдлар тайёрлади. Аник фанлар — физика, химия, астрономия билан шуғулланди.

14. Фурқатнинг «Кавоиди Чин ва умуроти сиёсий» асари XX аср боши ўзбек наслрини сара намуналаридан. Асарнинг хитой манбалари асосида ёзилганлиги адибнинг бу тилни мукамал билганлиги исботидир. Ушбу ахлоқий-дидактик йўналишдаги бадий-этнографик асар услуб жиҳатидан «Гулистон» (Саъдий), «Баҳористон» (Жомий) асарларига яқин туради. Бу, ўз навбатида, шоирнинг мумтоз салафлари аъналарини янгича асосла давом эттирганлигини кўрсатади.

15. Ҳар қандай асар матнининг муаллиф варианты, шубҳасиз, энг ишончли манба ҳисобланади. «Келди баҳор...» ғазалининг дастхат нусхаси топилиши натижасида, биринчидан, ғазалининг Ёркентда ёзилганлиги ҳақидаги таҳмин ўз исботини топган бўлса, иккинчидан, асарнинг муаллиф назаридан ўтган мукамал матни тикланди.

16. Қасида, ғазал, қитъа, рубоӣ, маснавий, таржӣ, мусаммат, мустаъод, мутаввал, фард каби Шайх Аҳмад Тарозий таъкидлаган «шеър ақсомининг муътабар ўн навь»нинг деярли барчасида қалам тебратганлиги Фурқатнинг адабиётимиз тарихида тутган ўрни нечоғлик катта эканлиги далилди.

17. Фурқат асарларидаги *ғариб*, *ит*, *лола*, *ғунча*, *ғул*, *булбул* каби образлар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Бир қанча маъно қатламига эга мазкур образлар шоир асарларининг юксак бадийиятини таъминлаши

20. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Маънавият надур? //Жамият ва бошқарув, 2001, 3-сон, -Б. 29-30.

21. Н. Жабборов. Фуркатнинг Хўшамд сафарига оид янги маълумотлар. //ЎЗМУ хабарлари, 2001, 3-сон, -Б.30-35.

22. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Фуркат нега Фуркат? //Ёшлик, 2001, 5-сон, -Б. 39-41.

23. Н. Жабборов. Фуркат «Тағланма асарлар»нинг Шинжонг нашри хусусида. //O'zbek tili va adabiyoti, 2001, 5-сон, -Б. 61-64.

24. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Vatan ishtiyuqin to'rtatam... //Tafakkur, 2002, 1-сон, -Б. 48-57.

25. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Фуркат истилочини мактаганимиди? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002 йил 22 февраль, № 9 (3645).

26. Н. Жабборов. Фуркат рус-япон уруши ҳақида янги таълим. — Жалдчилик ва миллий истиқлол тантанаси. Т., 2002, -Б. 34-38.

27. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Тийрамоҳда баҳор орзуси. //Ёшлик, 2002, 3-сон, -Б. 46-47.

28. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Навоийнинг муносиб издоши. //Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2003, 2-сон, -Б. 108-110.

29. Б. Қосимов, Ш. Юсупов, У. Долломов, Н. Жабборов. Миллий уйғонш даври ўзбек адабиёти. — Филология (Ўзбек филологияси) таълим йўналиши бўйича ўқув дастурлари. Т., 2003, -Б. 89-95.

30. Н. Жабборов. Матншунослик. — Филология (Ўзбек филологияси) таълим йўналиши бўйича ўқув дастурлари. Т., 2003, -Б. 95-100.

31. Н. Жабборов. Фуркатнинг хоризқлаги давр шеърятда поэтик маҳорат масаллари. //ЎЗМУ хабарлари, 2003, 4-сон, -Б. 32-36.

32. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Ҳижрон сели узра солинган кўприк. //Жаҳон адабиёти, 2004, 1-сон, -Б. 133-141.

II. Диссертант томонидан илк бор эълон қилинган Фуркат асарларининг матнлари:

33. «Фаромуш айлама ҳартиз мамотинг...» («Ҳажнома»). Нашрга тайёрловчи: Н. Жабборов). - Манбашунослик: Матн ва унинг талқини (Илмий мақолалар тўплами), Т., 1997, 0,5 б.т.

34. «Бир ўт чақинди ишк осмониндин...». (Фуркатнинг янги аниқланган шеърлари. Нашрга тайёрловчи: Н. Жабборов). //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1997 йил 18 апрель, 0,5 б.т.

35. Фуркат. «Бегим» (Нашрга тайёрловчи: Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). //Ёшлик, 1996, 4-сон, 0, 25 б.т.

36. Фуркат. Қавонди Чин ва умуроти етёсий. //Шарқ юлдузи (Нашрга тайёрловчи: Н. Абдул Ҳаким (Жабборов), 2001, Иккинчи фасл, 1,0 б.т.

37. Фуркат. «Ҳаме қарлам шабе сайре мазоре...» (Нашрга тайёрловчи: Н. Жабборов). //ЎЗМУ хабарлари, 2001, 3-сон, 0,25 б.т.

3. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). «Зублат ул-хуқамо». //Соғлом авлод учун, 1996, 9-10-сон, -Б. 55-57.

4. Н. Жабборов. Қўқоннинг сўнгги хукмдори ва Фуркат. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1996 йил 15 март.

5. Н. Жабборов. Ахли диллар юзланган диёр (Фуркатнинг Хиндистон сафари). //Сирли олам, 1997, 2-сон, -Б. 19-20.

6. Н. Жабборов. Кўнгил жилолари. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1997 йил 22 август.

7. Н. Жабборов. Зокиржон Фуркатнинг ҳаж сафарига оид манбалар. - Манбашунослик: Матн ва унинг талқини (Илмий мақолалар тўплами). Т., 1997, -Б. 26-28.

8. Н. Жабборов. Фуркат ва жалдчилик. — «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Академия, 1998, -Б. 180-183.

9. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Фуркатнинг хоризқла кетги сабабларига оид янги ҳужжат. //Адабий мерос, 1998, 3-4 (69-70)-сон, -Б. 50-54.

10. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Фуркатни англаш. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998 йил 3 апрель.

11. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Фуркат ва миллий уйғонш. //Жамият ва бошқарув, 1998, 4-сон, -Б. 31-33.

12. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов) ва бошқалар. Матншунослик: Ечимини қутаётган муаммолар (Давра суҳбати). //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998 йил 29 май.

13. Н. Жабборов. Фуркат: Истибдолга исён. //ТошДУ хабарлари, 1999, 3-сон, -Б. 28-32.

14. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). «Ўёлма маърифатни ўрганурдин». //Жамият ва бошқарув, 1999, 3-4-сон, -Б. 42-44.

15. Н. Жабборов. Фуркат шеърятда Қуръони қарим оятларининг талқини. //Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2000, 2-сон, -Б. 138-139.

16. Н. Жабборов. Бадий матнларда оят ва халислар талқини ҳамда уларни ўрганиш муаммолари. — Қўлёзмалар — дурдоналар. «Аждодларимиз қўлёзма меросини тўлаш, илмий ўрганиш ва нашр этиш муаммолари» мавзусидаги Республика анжумани материаллари. Т., 2001, -Б. 54-55.

17. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). «Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор». //Соғлом авлод учун, 2001, 3-сон, -Б. 30-33.

18. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). Фуркат мероси ва Ҳитой манбалари. //Шарқ юлдузи, 2001, Иккинчи фасл, - Б. 144-145.

19. Н. Абдул Ҳаким (Жабборов). «Жаҳон басти қушоди илм бирла...» (Фуркат ҳаёти ва иқлодининг хоризқла ўрганилиши). //Жаҳон адабиёти, 2001, 8-сон, -Б. 122-129.



Филология фанлари доктори илмий даражасига талабот

Жабборов Нурбой Абдулҳакимовичнинг

10.01.11 – Адабий манбашунослик ва матншунослик; 10.01.03 –

Миллий адабиёт тарихи (Ўзбек адабиёти) ихтисослашкани буйича

«Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари,

матний тадқиқи, поэтикаси» мавзудаги диссертациясининг

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Калитли сўзлар: Фурқат, асар, манба, матн, кўлзма, нашр, истибдоа сиёсати, маърифат, илм, хориж, ижод, байт, поэтика, баддий санъат, муқояса, матлаъ, мақтаъ, газал, мухаммас, мусаддас, мусаббатъ, таҳлил, талқин, тадқиқ.

Тадқиқот объектлари: Шоир Фурқат ҳаёти ва ижодий фаолиятининг хориж (Туркия, Юнонистон, Араб мамлакатлари, Хиндистон ва Хитой)даги даврига оид манбалар.

Ишнинг мақсади: Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси манбаларини таҳлил этиш, матний ва поэтик тадқиқини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқот услуби: тарихий – қиёсий.

Олинган натижалар ва уларнинг янгиллиги:

— Фурқатнинг хорижга кетиш сабаблари икки омил билан янгича талқин этилади: 1) Шоирнинг чор мустамлака сиёсатига муросасиз муносабатини ифода этган асарлар («Муножоти мусаддас» (1879), «Бўлади» (1884), «Бегим» (1990) ёзганлиги; 2) Фурқатнинг Баган ва милаат манфаатига асосланган маърифатпарварлик фаолияти мустамлака маъмуриятига маъқул келмаганлиги.

— Шоирнинг юрта қайта олмаслик сабаблари қуйидагича изоҳланди: 1) Фурқатнинг чет элларда яратилган асарлари моҳият эътибори билан чор ҳукуматининг мустамлака сиёсатига эид бўлгани; 2) Шоирнинг шахс сифатидаги фазилатлари. Биринчи омил Фурқатнинг халқаро мавзудаги ижтимоий – сиёсий публицистикаси таҳлили, шунингдек, «Рус – япон муҳорабаси хусусида», «Қасида», «Масарратнома» каби асарларининг янгича талқини орқами тадқиқ қилинди. Иккинчи омил: шоирнинг ватанпарварлиги, қомил мусулмон сифатидаги фазилатлари мустамлака маъмуриятига маъқул келмагани, натижада унинг мунтазам таъқиб этилгани архив ҳужжатлари воситасида далилланди.

— Фурқат асарлари мисолида шоир қарашларининг жадид мутафаккирлари фаолиятига таъсири, шоир мансуб бўлган авлоддаги янгича маърифатпарварлик гоялари жадидчиликка гоявий замин вазифасини ўтаганлиги мўсаласи тадқиқ этилди.

— Фурқатнинг чет элларга сафари саналарини манбалар асосида қуйидагича белгилаш мўмкин: Туркия – Юнонистон сафари: 1891 йил сентябрь – 1892 йил 24 февраль, Араб мамлакатларига сафари: 1892 йил 24 февралдан шу йил августигача, Хиндистон – Тибет сафари: 1892 йил августидан 1893 йил сентябрга қадар.

Шоир 1893 йил сентябрда Хитойнинг Ёркент шаҳрига келган ва умрининг охиригача ушбу шаҳарда яшаган.

— Фурқат шеъриятида оят ва ҳадислар талқини масаласи тадқиқ этилди. Шоир ижодада ислом маънавияти ва тасаввуф ахлоқи мавзуйи ўранилади. Шу асосда Фурқат тахаллууси янгича: Ҳақ таоло висолдан айрилиқ маъносидан талқин қилинди.

— Фурқатнинг бир қанча асарлари («Ҳажнома», «Адашганман», «Марсиия таржийъбанд», «Келди баҳор...», «Рус – япон муҳорабаси хусусида»)нинг кўлзма ва нашр нусхалари муқояса этилди, фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди. Натижада, Холид Расуа томонидан тузилган араб имлосидаги икки жидами нашрга кирмай қолган асарлар («Бегим»), қисқартириб киритилган асарлар («Ҳажнома», «На мушки Хўтандандур...»), «Булбулга хитоб»)нинг матний тадқиқи амалга оширилди.

— Фурқатнинг «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» асари XX аср бошлари ўзбек нарсани намунаси сифатида тадқиқ этилди. Ушбу ахлоқий – адиқатик йўналишдаги баддий – этнографик асар услуб жиҳатдан Сатъидийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон» асарларига яқин туриши ҳақидаги илмий хулосага келинди.

— Фурқатнинг хориждаги давр шеъриятида поэтик маҳорат масалалари ўранилади. Шоирнинг ўз асарларида баддий санъатлар (таносуб, тазод, талмех, ташхис, игроҳ, фи – с – сифат, хусн ал – матлаъ, танқиш – с – сифат, каломи жомеъ, иштиқоқ ва бошқалар)дан унумли фойдалангани, аруз ва қофия иламида юксак маҳорат эгаси бўлганлиги аниқ мисоллар орқами далилланди.

— АҚШ, Германия, Туркия, Мажористон ва Хитойда Фурқат ҳаёти ва ижоди буйича яратилган тадқиқотлар ўрганилди, уларнинг фурқатшунослиқдаги ўрни мўсаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларидан миллий уйғонлиш даври ўзбек адабиёти ҳамда адабий манбашунослик ва матншуносликка оид илмий – тадқиқот ишларида, олий ўқув юрталари ва академичейлар учун дарсликлар яратишда, Фурқат ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилишига оид тадқиқотларда, олий ўқув юрталарининг филология факультетлари учун махсус курсларда фойдаланиш мўмкин.

Табқиқ этиш натижалари: тадқиқот натижалари буйича мамлакат миқёсидаги 5 илмий – амалий анжуманда маърузалар қилинган. Диссертация ишдаги илмий хулосалар асосида кейинги беш йил авомида Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида талабаларга маърузалар ўқиб келинмоқда. 2003 йили нашр этилган «Миллий уйғонлиш даври ўзбек адабиёти» ҳамда «Матншунослик» фанлари буйича ўқув дастурларида ҳам тадқиқот натижаларидан фойдаланилган.

Қўлланиш соҳаси: тармоқларо, ўқув ва мутахассислар малака ошириши жараёнида ҳамда монографик тадқиқотларда.